

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



“Судларда прокурор ваколатини таъминлаш”

кафедраси

**“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси
ИНОМОВ ШОХРУХМИРЗО АЛИШЕР ЎҒЛИНИНГ**

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШДА ПРОКУРОР
ИШТИРОКИ
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: Ш.И.Шайзаков (PhD)

**Илмий маслаҳатчи: Э.Т.Ҳожиёв (ю.ф.н.
проф)**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ3-13

1-БОБ. ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....

1.1-§. Оммавий-ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.....

1.2-§. Оммавий-ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш принциплари.....

2-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИ, ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ) ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДДА НИЗОЛАШИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....

2.1-§. Маъмурий суд тартибида ишларни кўриб чиқишда прокурор иштироки ва унинг ҳуқуқий мақоми.....

2.2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ низоларни судда кўриб чиқиш масалалари.....

3-БОБ. ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....

3.1-§. Маъмурий ишларни судда кўриб чиқиш билан боғлиқ хорижий мамлакатлар тажрибаси.....

3.2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича ишларни кўриб чиқишда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....81-86

ИЛОВАЛАР.....87-100

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и бўйича низоларни ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси сифатида прокурорнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини таъминлашда алоҳида ўрни мавжуд. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг маслаҳат органи ҳисобланган Венеция комиссиясининг тавсияларида прокурор аҳолининг алоҳида қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, давлат ва оммавий манфаатларни кўзлаб маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиши орқали процессуал ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга имконият яратилиши белгиланган¹. Шу муносабат билан, маъмурий орган ҳисобланган ҳокимликларда давлатнинг вазифа ва функциялари мавжуд эканлиги, ушбу ваколатлардан қонуний фойдаланаётганлиги судлар томонидан кўриб чиқиляётганда ишда прокурор ролини такомиллаштириш, судда иштирокига оид халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатларнинг моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка жорий қилиш, шунингдек, маъмурий органларнинг қабул қиладиган қарорларини қонунийлигини мустаҳкамлаш орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Шунингдек, прокуратура органларининг ролини янада мустаҳкамлаш, айниқса оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий органлар билан боғлиқ низоларни судда кўриб чиқилишида ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида прокурорларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилаш, маъмурий суд ишларини юритишда

¹ Rec 2005 (63) / https://www.venice.coe.int/WebForms/pages/?p=01_Presentation&lang=RU

прокурорнинг функциялари ва прокурор фаолияти самарадорлигини ошириш зарурияти мавжуд.

Мамлакатимизда маъмурий судлар томонидан 2019 йилда 16.255 та, 2020 йилда 15.066 та иш кўрилган бўлса, 2021 йилда унинг салмоғи 15 146 тани ташкил этган². Бу ўз навбатида судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини таъминлашни тақозо этади ва мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларига муҳим вазифалар юклайди. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 52-бандида “Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш” устувор йўналиши сифатида белгиланган³, Бош прокуратурада маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг ташкил этилган⁴. Шу билан биргаликда Бош прокурорнинг “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2022 йил 28 февралдаги 260-сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ билан давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда прокурор

² www.sud.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги 5953-сонли Фармони билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури 52-банди.[электрон кутубхона], қаралган вақти 10.08.2021 й. <https://lex.uz/docs/4751561>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда.

иштироки мажбурий қилиб белгиланди. Шу боис, ушбу йўналишда прокурор иштирок этишининг ижтимоий зарурати, унинг ҳуқуқий мақоми, судда иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, прокурор процессуал фаолияти билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш, соҳада прокурор ваколатини такомиллаштиришни комплекс илмий тадқиқ ўтказиш зарурати вужудга келмоқда.

Тадқиқотнинг объекти Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги суд ишларини юритишда прокурор иштирокини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги суд ишларини юритишда прокурор иштирокини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги маъмурий суд ишларини юритишни ҳамда мазкур тоифадаги ишларда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оммавий ҳуқуқий низо, маъмурий низо, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий органлар, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари, маъмурий суд ишларини юритишда суднинг фаол иштироки, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини

таъминлаш тушунчалпри, ушбу тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

суд амалиёти ҳамда миллий қонун ҳужжатларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирок этишининг ижтимоий зарурат эканлигини асослаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқишга нисбатан суднинг янгича ёндашувини таклиф этиш;

маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки асосларини, иштирок этиш шакллари қиёсий таҳлил қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни суд қарорлари асосида таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш;

хорижий давлатларнинг маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг процессуал жиҳатларини миллий қонунчилик билан қиёсий солиштирган ҳолда ўрганиш ва ижобий жиҳатларини мамлакатимиз қонунчилигига жорий этиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш ва прокурорнинг процессуал фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида қонунчиликка киритиш лозимлиги асослаб берилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги маъмурий суд ишларини юритишда прокурор вазифалари, мақсади, ваколатлари,

прокурор фаолиятини баҳолаш мезонлари асослантирилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни судлар томонидан формал асосда кўрмасдан, масалани тўлиқ ҳал этиш тартиби асослаб берилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари бекор қилингандан сўнг уларни ижро этиш механизми билан боғлиқ таклифлар асослантирилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар билан сабабий боғланишда бўлган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи асослаб берилган.

кассация инстанцияси жараёнида адолатли суд қарори қабул қилиниши учун Олий суд раиси ва унинг ўринбосарларининг такроран протест келтириш ҳуқуқини қонунчиликдан чиқариш тўғрисидаги таклифлар асослантирилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Диссертация мавзуси юзасидан Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус тадқиқ қилинмаган. Миллий олимларимиздан Б.Х.Пўлатов, М.М.Мамасиддиқов, М.З.Раджапова, Ш.Ш.Шораҳметов, Э.Эгамбердиев, Э.Т.Хожиев, Ғ.Т.Ҳакимов, Д.Р.Артиков, К.К.Олимова, Д.С.Довудоваларнинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, жиноий суд ишларини юритишнинг процессуал ҳуқуқий асослари ва прокурорнинг ҳуқуқий мақомининг баъзи жиҳатлари кўрсатиб ўтилган⁵.

Хорижий мамлакатларда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг айрим жиҳатлари: М.А.Астахова, В.Болгова, Е.С.Васильев, А.В.Глодина, И.М.Галий, Д.М.Замышляев,

⁵ Илмий изланишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

О.А.Загвязинская, Н.М.Коркунов, Ю.М.Козлов, Е.Б.Лупарев, А.Миягашева, В.К.Нехайчик, В.Николаенко, Р.С.Одинаев, Т.В.Пешкова, З.М.Рахматова, Ю.Н.Старилов, Е.Н.Тамразова, Ю.А.Тихомиров, А.Халиков, Е.В.Хахалева, Н.Ю.Хаманева, С.Э.Шиндяпин, Д.М.Чечот каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁶.

Бироқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини таҳлил қилган ҳолда яхлит тадқиқ қилинмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг илмий ва амалий жиҳатдан янгилиги ҳамда ўрганилиши зарур эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий билишнинг тарихий, мантиқий (анализ, синтез), формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик, шунингдек, ижтимоий сўровлар, маъмурий иш материаллари ва суд амалиётини таҳлилий ўрганиш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти куйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, прокурорнинг процессуал мақомини белгилаш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан соҳага оид назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, маъмурий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни, “Прокуратура тўғрисида” ва “Судлар тўғрисида” қабул қилинган қонунларни, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг ишни судга қадар юритишга

⁶ Илмий изланишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

оид идоравий ҳужжатларини ҳамда маъмурий тартиб-таомилларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратади

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

1-БОБ. ОММАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Оммавий-ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Маъмурий судлов жараёни кўп қирралиги ва мураккаблиги билан ўзига хос хусусиятларга эга. Сабаби, маъмурий судда иш кўрилаётганда томонларнинг бири сифатида иштирок этаётган **маъмурий органлар** (давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)нинг судга шикоят қилинадиган ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги билан боғлиқ ваколатлари (вазифалари, мажбуриятлари) кенг доирадаги **қонун ҳужжатлари** билан белгиланган. Шу жиҳатдан аризачи тарафда давлатнинг **ваколат ва функцияси** бўлган ташкилот ва муассасалар билан судлашишдек оғир бир вазифа бор. Бундан ташқари, судда **томонларнинг тенглигини таъминлашдаги масъулият**, албатта, маъмурий судларнинг тўлиқ мустақиллиги ва шаффофлигига бориб тақалади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”** 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармон⁷ида қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини **маъмурий судда исботлаш мажбурияти**, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартиби – **“суднинг фаол иштироки”** тамойилини жорий этиш белгиланган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида **“Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда**

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарор⁸и билан маъмурий суд ишларини юритишни **“суднинг фаол иштироки”** тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳукуки бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш вазифаси кўйилди.

Юқоридаги Президент фармон ва қарорларининг мазмунидан шуни англаш мумкинки, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан келиб чиқувчи низолардан фарқли жиҳатлари мавжуд. Аслида ҳуқуқий можаро(конфликт), ҳуқуқий низонинг моҳиятини англаш ҳар бир ҳуқуқ соҳаси учун жуда муҳим ҳисобланади. Ҳуқуқий можаро(конфликт) ҳақида гапирганимизда, унинг иштирокчиларининг маълум бир қаршиликлари билан боғлиқлигини ва кўпинча низо шаклида ифодаланишини таъкидлаш керак. Конфликт ҳуқуқий маънода низонинг бошланиш(олд) шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки бир қатор ҳолларда низоли вазият томонларнинг келишуви билан ҳал қилиниши ва низоли ҳуқуқий муносабатларга айланиб қолмаслиги мумкин⁹.

Юқоридаги олим қарашларига кўшилган ҳолда **фикримизча**, ҳуқуқий низо ва конфликт айнан бир тушунчалар эмас, конфликт доим ҳам ҳуқуқий низога айланмаслиги мумкин, у томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилса ҳуқуқий низога айланмаган бўлади.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқий зиддият, ижро этувчи ҳокимият фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий нормалар билан тартибга

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 07/22/107/0083-сон.

⁹ *Лунарев Е.Б.* Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003. С. 11.

солинадиган муносабатлар характерига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу муносабатлар оммавий ҳуқуқий характерни ифодалайди¹⁰.

Низонинг ҳуқуқий моҳиятига таъсир этувчи моддий шарт унинг мазмунидир. Шундай қилиб, фуқаролар ўртасидаги, масалан, кредит ёки қарз шартномаси тўғрисидаги низо фуқаролик характерига эга, **маъмурий орган ва фуқаро ўртасида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат(масалан, ҳоким қарори)нинг қонунийлиги боғлиқ бўлган низо оммавий ҳуқуқий мазмунига ва аниқроғи, маъмурий-ҳуқуқий мазмунига эга (маъмурий низо).**

Кўриниб турибдики, асосий масала фақатгина юқоридаги низо турларининг фарқи ушбу низоларнинг бирида иштирок этаётган субъектгагина боғлиқ эмас, балки бу мунозаранинг муҳим нуқтаси бўлган **моҳиятига** ҳам боғлиқ. Маъмурий-ҳуқуқий низоларда моҳият оммавий-ҳуқуқий муносабатларга бориб тақалади.

Бу ҳақида профессор олимлар ҳам ўз қарашларида таъкидлаб ўтишган. Хусусан, Н.М. Коркунов оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиши керак бўлган **маъмурий ва фуқаролик юстицияси** ўртасидаги фарқни келтириб, буни оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги фарқ сифатида ифода этди¹¹.

Фикримизча, агар процессуал муносабатлар ёрдамида хусусий ҳуқуқий муносабатлар (фуқаролик ҳуқуқи, оила, уй-жой ва бошқалар) амалга оширилса, у ҳолда хусусий ҳуқуқ низолари юзага келади; агар процессуал муносабатлар **маъмурий, молиявий, солиқ, бюджет ва бошқа оммавий моддий ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишга ёрдам берса**, у ҳолда оммавий ҳуқуқий низо келиб чиқади. Бу шуни англатадики, оммавий-ҳуқуқий низо - бу унинг мазмуни ҳисобланган ҳуқуқнинг оммавий

¹⁰ Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001; Хаманева Н.Ю. Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998. № 12. С. 29–36.

¹¹ Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.

тармоқлари масалаларидан иборат бўлган низо. Масалан, молия конунчилиги масалалари бўлган низони **молиявий оммавий низо** деб аташ мумкин; солиқ масалалари - **солиқ оммавий низоси**, давлат бошқарув муносабатлари билан боғлиқ бўлган **соф маъмурий масалалари** - маъмурий низо ва бошқалар. Табиийки, агар низонинг мазмунини ташкил этадиган масала маъмурий ҳуқуққа тегишли бўлса, низо маъмурий ҳисобланади. Д.М. Чечот таъкидлаганидек, маъмурий органлар фуқаролар ёки ташкилотлар билан турли хил мазмундаги ҳуқуқий муносабатларда бўлиши мумкин: маъмурий, фуқаролик, ер, молиявий, меҳнат. Маъмурий ҳаракатлар баъзи ҳолларда нафақат маъмурий, балки бошқа (масалан, фуқаролик) оқибатларга олиб келади. Бундай вазиятларда низо маъмурий характерни йўқотади¹².

Демак, моддий ҳуқуқий муносабатларнинг ушбу муносабатларни амалга оширилишини таъминлаш учун мўлжалланган процессуал муносабатлардан устунлигини қиёсан ҳисобга олганимизда, шуни тасдиқлай оламизки, **оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ** низолари ўртасидаги фарқни тавсифловчи моддий жиҳат низоларнинг ушбу турларини ажратишга имкон берадиган асосий омил ҳисобланади, шу қаторда процессуал фарқ эса уларни тўлдирувчи ҳолат бўлиб келади. Масалан, маъмурий орган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни фуқарога рад этадиган бўлса, ҳам фуқаровий-ҳуқуқий низо ҳам маъмурий ҳуқуқий низо келиб чиқиши мумкин. Демак, шахс судга ариза топширишидан аввал низонинг моҳияти ва мазмунини аниқлаб олиши лозим. Агар маъмурий орган **процессуал ҳолатлар бўйича ҳуқуқни рўйхатдан ўтказишни** рад этса, суд маъмурий иш юритиш тартибида маъмурий низони ҳал қилишда орган (унинг мансабдор шахси) ҳаракатининг қонунийлигини текширади. Агар рад этиш шахсининг ушбу ҳуқуқнинг мавжуд эмаслиги туфайли амалга оширилган

¹² Чечот Д.М. Неисковое производство. М., 1973. С. 10.

бўлса, демак, низо хусусий ҳуқуқий характерга эга ва шахс дарҳол **мулк ҳуқуқини аниқлаштириш учун** хусусий низони ҳал қилиш бўйича даъво тартибида судга мурожаат қилиши лозим. Оммавий ҳуқуқий низоларнинг хусусий низолардан асосий фарқи айнан низонинг ҳуқуқий моҳиятига бориб тақалади. Олимларнинг маъмурий суд иш юритуви тартибида фуқаролик ҳуқуқий низо эмас, балки фуқаролик низоларидан фарқ қиладиган процессуал ҳимоя воситаларидан иборат оммавий ҳуқуқий низолар¹³ кўриб чиқилиши тўғрисидаги фикрлар мутлақо тўғри ҳисобланади.

Оммавий ҳуқуқий низолар тушунчасини биринчилардан бўлиб Ю.А.Тихомиров таклиф қилган бўлиб, олим низонинг ушбу турини ваколатли органлар томонидан қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ва оммавий (жамоат) характерига эга бўлган низоларни тушунган¹⁴. Низо, агар унинг мазмуни ҳуқуқнинг оммавий соҳаларини (конституциявий, маъмурий, солиқ, молиявий, жиноий, халқаро оммавий ва бошқалар) қамраб оладиган бўлса, у оммавий ҳуқуқий низоларга тегишли бўлишини ҳам Ю.А.Тихомиров таъкидлаган. Бу каби низолар кенг маънода оммавий ҳуқуқий низолар сифатида қаралади ва бундай фикрга И.В.Михеева¹⁵ ҳам қўшилган. Бу борада маъмурий соҳада изланиш олиб борган олим Минина оммавий ҳуқуқий низоларни тор маънода, давлат бошқаруви органлари томонидан қонуний белгиланган ваколатни амалга ошириш мобайнида келиб чиқадиган низолар деб ҳисоблайди¹⁶.

Маъмурий ишлар ҳақиқатдан ҳам маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқади, лекин бу уларнинг ўхшашлигидан далолат бермайди, балки бу оммавий маъмурийни бир таркибий қисм сифатида

¹³ Хахалева Елена Владимировна. Проблемы разграничения публично-правовых и частноправовых споров. Теория и практика общественного развития (2010, № 4). ст. 196. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemuy-razgranicheniya-publichno-pravovyh-i-chastnopravovyh-sporov/viewer>

¹⁴ Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998. № 6. С. 8–13.

¹⁵ И.В. Михеева. Судебная защита публичных интересов.

[http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_pravo_2003_2\(7\)/B_1-8.pdf](http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_pravo_2003_2(7)/B_1-8.pdf)

¹⁶ Минина А.И. Критерии арбитрабельности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.

коплаб кетишидан дарак беради. Маъмурий ишлар **оммавий характерга эга ва махсус процессуал тартибда суд муҳокамасини** талаб қилади. Оммавий-ҳуқуқий низонинг асосий характеристикаси - баҳсли ҳуқуқий муносабат тарафларининг ҳуқуқий тенгсизлиги. Шундай қилиб, Д.М.Замишляев фикрича, маъмурий низонинг белгиловчи хусусиятлари - бу ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг тенг ҳуқуқчилигининг йўқлигидир, яъни улардан бири ҳокимият функциялари билан таъминланганлиги; шу билан бирга, бу алоҳида юрисдикция ва унинг махсус процедураларини ажратиш учун сабаб бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти ҳам саналиши. Олим бу хусусиятлар ҳамма оммавий-ҳуқуқий низоларга тегишлилиги масаласини ҳам айтиб ўтади¹⁷.

Шунга қарамасдан **фикримизча**, ҳар бир ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг тенг ҳуқуқчилигининг йўқлигидан келиб чиқувчи оқибат маъмурий низо бўлмайди. Масалан жиноят содир этган шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳам тенглик мавжуд эмас, лекин шахс ўз ҳаракатлари билан жиноят-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарган. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича низоларда тарафларда вужудга келадиган тенгсизлик эса умуман бошқа тушунчадир. Бундай низоларда кўпинча ўз ваколати билан ҳуқуқни реализация қилувчи орган кейинчалик ўз қарорини ўзгартириши ёки фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини амалга оширмаслик каби ҳаракатлар қилади.

Немис назарияларига кўра, оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги фарқда ҳар доим ҳам аниқ ечимга келиб бўлмайди ва у зиддиятли ҳисобланади¹⁸. Немис олимларининг фикрига кўра, агар низо келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар оммавий бўлса, низо оммавий

¹⁷ Замышляев Д.М. Виды судебных юрисдикций в Российской Федерации: сравнительно-правовой и исторический подход: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. С. 100-101

¹⁸ К различным теориям см. напр., Корп/Schenke, Kommentar zur VwGO (комментарий к АСЗ), § 40, Rn. 11.

ҳисобланади. Ўртадаги фарқни аниқлаш учун бир қатор назариялар мавжуд. Ҳозирда энг кенг тарқалганлари учта¹⁹:

— Манфаатлар назарияси. Оммавий ҳуқуқ жамоат манфаатларига хизмат қиладиган бўлса, ҳал қилувчи қоида ҳисобланади.

— Бўйсунув назарияси. Юқорига бўйсунув муносабати мавжуд. Бу ҳар доим маъмурий ҳужжат ёки қарор ҳақида гап кетганда юз беради.

— Субъектнинг ривожлантирилган назарияси (махсус ҳуқуқ назарияси, Modifizierte Subjektstheorie): низони ҳал қилувчи норма фақат бир суверен томонга ҳуқуқ беради ёки мажбурият юклайди.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан оммавий ҳуқуқий низо (хусусан, унинг асосий кўриниши ҳисобланган маъмурий ҳуқуқий низо)нинг бир нечта умумий хусусиятлари кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, оммавий ҳуқуқий низолар оммавий ҳуқуқ соҳаларига тегишли масалаларни қамраб олади;

иккинчидан, оммавий ҳуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён бўлади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас;

учинчидан, оммавий ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус тартиби жорий этилади;

тўртинчидан, оммавий ҳуқуқий низолар турли субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича юзага келади;

бешинчидан, оммавий ҳуқуқий низолар ҳокимият субъектлари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқа оммавий қарорлар ва ҳаракатлар бўйича юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига

¹⁹ [Хартмут Маурер](#) : *Общее административное право* , 15-е издание, 2004 г., [ISBN 3-406-52631-4](#) . Раздел 3, маргинальный номер 12.

биноан маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ёки ушбу соҳадаги низода иккинчи томон сифатида давлат бошқаруви органлари, маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари намоён бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда юқорида санаб ўтилган шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан бир қаторда, **идоравий норматив-ҳуқуқий** ҳужжатларга ҳам предмет сифатида қаралади.

Республикамизда маъмурий суд иш юритуви тартиби жорий қилиниб, унинг алоҳида тартиби кодекслаштирилганидан сўнг **“маъмурий иш”** категориясининг аниқлаштирилиши талаб этилди.

“Оммавий-ҳуқуқий низо” ва “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчалари кўпгина ҳолатларда бир бутун ёки иккинчиси биринчисининг бир қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Т.В.Пешкова ҳам ушбу нуқтаи назарни қўллаиди. Унинг фикрига кўра, маъмурий ҳуқуқий низолар томонлардан бири сифатида қатнашувчи ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек бошқа органлар ва давлат бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахслар бўлган барча низоларни ўз ичига қамраб олади²⁰. Худди шундай мулоҳаза И.В.Панова томонидан ҳам қўлланилади²¹. И.М.Галий “маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар” тушунчасини маъмурий ҳуқуқий низога нисбатан

²⁰ Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации : дис. канд. юрид. наук. Воронеж, 2014. С. 116.

²¹ Панова И.В. Проблемы рассмотрения административных дел // Вестник ВАС РФ. 2012. № 5. С. 12–46.

синоним деб ҳисоблайди²². Шунга қарамасдан, мазкур тушунчани маъмурий ҳуқуқий низога тўлиқ синоним дейиш нотўғри бўлади. Тўғри, ушбу тушунчалар қисман синоним, лекин тўлиқ равишда эмас. Сабаби, юқорида оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасини аниқлаганимизда, маъмурий унинг бир соҳаси, яъни қисми сифатида кўриб чиқдик, чунки маъмурий бу оммавий ҳуқуқий низоларнинг бир қисми сифатида тушунилади. Бу Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддасида қуйидагича келтирилган:

Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин²³.

Юқоридагидан келиб чиқилса, бундай тушунча берилиши судлар ўртасидаги ишларнинг тааллуқлилиги масаласини бироз ноаниқликка олиб келади. Тўғри, кодексида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно деб келтирилиши муаммони бироз юмшатади, лекин тўлиқ ечим бера олмайди. Чунки шахс маъмурий судларга тааллуқли ишлар масаласини аниқ белгилаб олиши учун бошқа кодекслардаги(масалан, иқтисодий, фуқаролик) тааллуқли ишлар рўйхатини билишига мажбур бўлиб қолади. Бунинг натижасида шахс қайси

²² Галий И.М. Административно-правовые споры в рамках института Административного судопроизводства : проблемные вопросы содержательной характеристики // Административное право и процесс. 2007. № 1. С. 9–12.

²³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон. 26-модда. <https://lex.uz/docs/3527353>.

судга мурожаат қилишида чалкашликларга сабаб бўлишига олиб келади, чунки орадаги фарқ аниқ очиб берилмаган. Вазиятни МСИЮтКнинг 26-моддаси иккинчи қисми ҳам мураккаблаштиради, сабаби маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланиб қўйилмоқда, лекин улар қайсилар эканлиги ҳақидаги савол туғилади. Демак, ушбу тааллуқлилиқ масаласини ҳал қилишимиз баробарида судлардаги ортиқча тушунмовчиликларнинг олдини олинишига ёрдам беради. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2022 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарорида судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли **қабул қилишни рад этиш** ёки иш бўйича иш юритишни **тугатишни тақиқлаш**, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш масаласи илгари сурилди. Бироқ бу ҳолат ҳам тааллуқлилиқ масаласига тўлиқ ечим беролмайди.

А.Б.Зеленцовнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий низо – фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки маъмурий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги масалалари бўйича маъмурий ҳуқуқий муносабатдир²⁴. А.П.Алехин эса ушбу муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект томонидан бошқа томоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилди деб ўйлаши натижасида келиб чиқадиган низолар деб ўйлайди²⁵. Н.Ю.Хаманева “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчасини юридик низонинг бир кўриниши сифатида таърифлаб, мазкур низо бошқарув жараёнида юзага келиши,

²⁴ Публично-правовой спор, как предмет административного судопроизводства. //доступно на сайте: http://studies.in.ua/admin_proces-seminar/2125 (время обращения март 2015г.)

²⁵ Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015, С. 56.

субъектларнинг алоҳида мақомга эга эканлиги ва низонинг махсус тартибда ҳал этилиши сингари хусусиятларини кўрсатиб ўтади²⁶. Одатда, маъмурий ҳуқуқий низолар бошқарувчи органлар томонидан бошқарилувчи шахсларга таъсири натижасида, масалан ноқонуний ҳокимият акти қабул қилиниши ва бу таъсирни шахс ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ўйлаганида вужудга келади. Бу каби низолар бошқарувчи томоннинг ташаббуси билан ҳам, шунингдек прокуратура органларининг маъмурий органлар ҳужжатлари ва ҳаракатлари устидан протест киритиши натижасида ҳам бошланиши мумкин. Бу масала Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасида ҳам куйидагича келтирилган: қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Маъмурий жараённинг муҳим вазифаси суд томонидан оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишнинг ҳуқуқий шакли сифатида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклашдир. А.К.Соловёв таъкидлаганидек, маъмурий одил судловнинг асосий мақсади ноқонуний хатти-ҳаракатни тугатиш, фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив оммавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали давлат бошқаруви қонуниятининг бузилган тамойилини тиклашдир²⁷. Фуқаро ёки ташкилот ҳуқуқий ҳужжатни судга шикоят қилиш билан тегишли орган ёки мансабдор шахснинг ҳаракатлари (қарорлари) билан рози эмаслигини эълон қилади ва ноқонуний деб эълон қилишни талаб қилади. Ушбу турдаги муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши лозим. Бундай ҳолларда, суд мустақил ва холис ҳакамлик вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, маъмурий суд

²⁶ Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5-13.

²⁷ Соловьёва А.К. Административная юстиция в России: проблемы теории и практики: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. СПб., 1999. С. 10.

ишларини юритиш алоҳида тартибда ва процедуралар асосида юритилиши тўғрисидаги мулоҳазаларга қўшиламыз. Сабаби, юқорида таъкидлаганимыздек, маъмурий ишларда ҳар доим бир томон нотенг муносабатда бўлади ва бу бошқа суд процессларидан фарқ қилишига олиб келади.

Маъмурий-ҳуқуқий низолар соҳасида комплекс тарзда илмий изланишлар олиб борган Е.Б.Лупаревнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг бошқа ҳуқуқий низолардан асосий фарқи, унинг махсус **субъект таркибига ва объектга эга** эканлигидир. Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг махсус субъекти сифатида давлат бошқаруви ваколатларига эга бўлган шахс ёки ташкилот намоён бўлади. Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг объекти бўлиб эса, бошқарув ҳуқуқларини, қонуний манфаатларни ва оммавий бошқарув мажбуриятларини амалга ошириш тартибини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг предмети — давлат-ҳокимият ваколатлари берилган орган ёки шахснинг субъектив бошқарув ҳуқуқлари, мажбуриятларни амалга ошириш тартиби, таъминланмаган оммавий бошқарув манфаати. Оммавий ҳуқуқлар, манфаатлар ва мажбуриятларнинг бошқарув хусусиятига эга эканлиги маъмурий-ҳуқуқий низоларни бошқа ҳуқуқий низолардан ажратиб турувчи мезонлардан биридир²⁸. Э.Б.Лупарев шу билан бирга маъмурий низонинг генетик таърифи бўйича ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилган ҳолда, унинг асосий хусусиятини давлат бошқаруви соҳасидаги “зиддият” деб белгилайди²⁹.

Тегишли тартибда судга кўриб чиқишга ва ҳал қилишга бериб юборилган ишда оммавий ҳуқуқий низонинг мавжудлиги янги ҳуқуқий феноменни юзага келтиришини ва бу маъмурий иш деб аталишини

²⁸ Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: дис. ... док. юрид. наук. Воронеж, 2003. С.14-15.

²⁹ Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора //Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002. - С.134.

А.В.Глодина таъкидлайди³⁰. Ушбу таърифга қўшилган ҳолда, “Маъмурий иш” атамаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида назарда тутилган фақат маъмурий иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган ишларга нисбатан қўлланилади дейиш мумкин. Аммо, муаллифларнинг аксарияти маъмурий иш деганда айнан маъмурий-ҳуқуқий низони тушунишади.

Бироқ, “маъмурий иш” ва “маъмурий ҳуқуқий низо” тушунчалари - бошқа-бошқадир. Маъмурий-ҳуқуқий низо - бу оммавий ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги номувофиклик (келишмовчилик) ёки зиддият ҳисобланади ҳамда бу зиддият **маъмурий юстиция** тартибида ҳам ҳал этилиши мумкин. Маъмурий иш эса суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган **маъмурий-ҳуқуқий низо**, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллардир ва маълумотлардир.

Юқорида келтирилган таърифларни инобатга олиб, **хулоса ўрнида**, “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги кодексида атамалар бўлимини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Мазкур бўлимда **оммавий-ҳуқуқий муносабатларга, маъмурий-ҳуқуқий низоларга, маъмурий органга, суднинг фаол иштироки тамойилига, маъмурий суд иш юритуви ва маъмурий иш тушунчасига** таъриф бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бунинг натижасида фуқароларда маъмурий суд иш юритувининг мазмун-моҳияти ҳақида тасаввур пайдо бўлади, **бошқа ҳуқуқий низолар билан маъмурий-ҳуқуқий низолар** ўртасидаги фарқли жиҳатлар ойдинлашади ва судга тааллуқлилиқ масалаларидаги чигалликлар бартараф этилади.

³⁰ А.В.Глодина. Административное дело и административно-правовой спор: понятие и соотношение. <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/pravo/2017/03/2017-03-14.pdf>.

1-2-§. Оммавий-хукукий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқиш принциплари

Қиёсий ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларнинг кўрсатмаларига кўра, илгари социалистик ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган давлатлар қонунчилиги роман-герман ҳуқуқий оиласига яқинлашуви кузатилади³¹. Бугунги кунда маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 2018 йил 25 январда қабул қилиниши бундай яқинлашув мисолларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, Европада маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги машҳур қонунлардан биринчиси 1952 йилда социалистик Югославияда қабул қилинган. Бу Маъмурий низолар тўғрисидаги қонун(акт) деб номланган³². Бугунги кунда собиқ Югославия республикаларида: Сербия, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговинада турли хил шунга ўхшаш қонунлар амал қилади. 1956 йилда Испанияда Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги қонун³³, 1960 йилда Германия Федератив Республикасида Маъмурий суд процесси тўғрисидаги қонун қабул қилинди³⁴.

Суд процесслари соҳасидаги халқаро миқёсда тан олинган стандартлар, принциплар, тавсиялар, қоидалар, мезонлар ҳар хил ҳуқуқий характердаги ҳужжатларда мавжуд ва улар турли даражага эга бўлиб, мос равишда глобал (универсал) ёки минтақавийларга бўлинади. Халқаро

³¹ *Марченко М.Н.* Правовые системы современного мира : учеб. пособие. М., 2008. С. 327 ; *Саидов А.Х.* Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности) : учебник / под ред. В. А. Туманова. М., 2004. С. 373–378.

³² *Vučetić Dejan.* Serbian judicial review of administrative acts and European standards for administration disputes // *Law and Politics.* 2005. Vol. 3, № 1. 2005. P. 73–90.

³³ *Соловьев А.А., Остроумов А.А.* Зарубежные модели административной юстиции : учеб. пособие для аспирантов. М., 2015. С. 105–106.

³⁴ Административное процессуальное право Германии = *Verwaltungsrechtsschutz in Deutschland* : Закон об административном производстве; Закон об административно-судебном процессе ; Законодательство об исполнении судебных решений : пер. с нем. / [В. Бергманн, введ., сост.]. М., 2007.

хуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига айланган маъмурий суд ишларининг халқаро стандартлари нафақат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси³⁵да, балки 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт³⁶ларда ва бошқа халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, **тўлиқ маъмурий юстиция** икки қисмдан иборат бўлади маъмурий асосда, яъни юқори турувчи маъмурий орган орқали масалани ҳал этиш ва маъмурий суд иш юритувини қўллаш. Шунга кўра **маъмурий суд иш юритувини қуйидаги** хусусиятларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Биринчидан, ташкилий шароитлар (умумий юрисдикция судлари доирасида судьяларнинг ихтисослашуви ёки алоҳида маъмурий судлар кўринишидаги махсус органларнинг мавжудлиги). Иккинчидан, расмий (оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибининг мавжудлиги - Маъмурий процессуал кодекси). Учинчидан, моддий-таъминловчи шароитлар (судларга ижроия ҳокимиятини самарали назорат қилиш имкониятини берадиган маъмурий **процесснинг минимал ҳуқуқий** стандартлари мавжудлиги). Шу жиҳатдан **Э.Хожиев, Ғ.Ҳакимов** маъмурий суд ишларини юритиш тушунчаси ўрнига, “маъмурий-юрисдикциявий процесс” тушунчасини қўллайди. Маъмурий-юрисдикциявий процесс - бу маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида маъмурий тартибда ёки судлов йўли билан амалга ошириладиган ҳамда маъмурий мажбурлов чоралари қўллаш билан боғлиқ бўлган маъмурий-процессуал фаолият эканлигини билдиради. Лекин, ушбу фикрлар баҳсли бўлиб, назаримизда, маъмурий суд ишларини юритиш оммавий ҳуқуқий низолар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ва бунда маъмурий мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

³⁵ URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml (мурожаат санаси: 11.02.2021 г.).

³⁶ URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml (мурожаат санаси: 11.02.2021 г.).

Мажбурий шартларга эътибор берадиган бўлсак, принципларнинг учинчи муҳим шарт сифатида келтирилиши унинг маъмурий суд ишларини кўриб ҳал этишдаги аҳамияти юқори эканлигини англатади.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг энг муҳим стандартлари (принциплари) **1950 йилги** Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясида (кейинги ўринларда - Конвенция) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг суд амалиёти(прецедент)да баён этилган. “Стандарт” ҳуқуқий тоифаси меъёрларни ишлаб чиқиш учун бошланғич нуқтага ишора қилади, аммо давлатларга нисбатан аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди³⁷. Шунинг учун тегишли меъёрлар ва қоидалар белгиланиши давлатларнинг миллий қонунчилигида минимал даража касб этиб қолади, чунки давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигида ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш кафолатларининг анча юқори даражасини белгилаб, бу борада кўпроқ фуқароларга эркинлик ва ҳуқуқлар белгилаганлари ҳолда ўз қонунчиликларини такомиллаштириб боришлари мумкин.

Конвенциянинг 6-моддаси 1-бандида ва 13-моддасида ушбу стандартлар (принциплар) келиб чиқадиган асосий меъёрлар келтирилган. Хусусан, Конвенциянинг 6-моддаси 1-бандига асосан, ҳар ким агар унинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида низо юзага келса, қонун билан белгиланган мустақил ва холис суд томонидан оқилона вақт ичида адолатли ва очиқ суд муҳокамасига киришиши ва низонинг ҳал қилиниш ҳуқуқига эга. Суд қарори оммавий равишда эълон қилинади, аммо демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ёки миллий хавфсизлик сабаблари туфайли матбуот ва жамоатчиликка суд мажлисининг тўлиқ ёки бир қисми давомида қатнашишига, шунингдек, вояга етмаганларнинг манфаатлари талаб қилганда ёки томонларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя

³⁷ Patterson D. M. Philosophy of Law and Legal Theory: an Anthology. Oxford, 2003. P. 266.

килиш ёки суднинг фикрига кўра, бу аниқ зарур бўлганда - адолат манфаатларига кўра ошкоралик бузилиши мумкин бўлган алоҳида ҳолатларда рухсат берилмаслиги мумкин.

Жумладан, Конвенциянинг 6-моддасида келтирилган “фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низо” деган жумла юқоридаги модда орқали таъминланаётган кафолатни бир қарашда маъмурий суд иш юритуви доирасида қўллаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикрга олиб келади, лекин ундай эмас. 1971 йил 16 июлдаги Рингеисен иши ва 1978 йил 28 июндаги Коэниг иши бўйича Европа судининг инсон ҳуқуқларига доир қарорлари “фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” формуласининг баъзи маъноларини очиб беришга имкон берди. Маъно шуни англатадики, ушбу сўз бирикмаси, ҳатто, у шахс ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги низо бўлса ҳам, шунингдек, қайси орган ушбу қарорни қабул қилишга ваколатли ва қайси қонунга асосан низо ҳал бўлишидан қатъи назар “натижаси хусусий характердаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан ҳал қилувчи бўлган ҳар қандай процедурани” қамраб олади³⁸.

Шунингдек, Конвенциянинг 13-моддасига биноан, Конвенцияда тан олинган ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳатто бу расмий равишда ҳаракат қилган шахслар томонидан бузилган тақдирда ҳам улар давлат органи томонидан таъминланадиган самарали ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқига эга.

Юқорида келтирилган нормаларнинг таҳлили чет эл ҳуқуқшуносларига маъмурий иш юретишнинг асосий стандартларини (тамойилларини) аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга, турли муаллифлар биров бошқача принциплар (стандартлар) тўпламларини ҳам таклиф қилишади. Шундан келиб чиқиб, **биз ҳам юқоридаги нормаларга таянган ҳолда бир неча асосли стандарт(принцип)ларни келтириб**

³⁸ Дело «Ле Комт (Le Compte), Ван Левен (Van Leuven) и Де Мейер (De Meyere) против Бельгии : постановление Европейского суда по правам человека от 23 июня 1981 г. // Европейский суд по правам человека. Избранные решения : в 2 т. М., 2000. Т. 1. С. 342–343.

ўтамиз:

1) қонун асосида тузилган суд томонидан ишларнинг кўриб чиқилиши;

2) суднинг мустақиллиги ва холислиги, ишни кўриб чиқишда ошкоралик;

3) самарали ҳуқуқий ҳимоя;

4) репрессив ҳуқуқий ҳимоя;

5) одил судлов;

6) процесда суднинг фаол иштироки;

7) тарафлар тенглигини таъминлаш;

8) ишни кўриб чиқиш учун асосли ва оқилона муддатлар;

9) суд қарорларининг мажбурий бажарилиши ва улар устидан назоратнинг ўрнатилганлиги.

Европа Кенгашининг маъмурий суд ишларини юритиш стандартлари моделининг асосий элементларини батафсил муҳокама қилиш учун **“судни фақат қонун асосида тузилиши”** каби элемент билан бошлаш мақсадга мувофиқ. Конвенциянинг 6-моддасида суд **“трибунал”** сифатида номланган ҳамда низони трибунал томонидан ҳал қилиш талаби ҳам мустаҳкамланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг белгиланган суд амалиётида келтирилган **“Трибунал”** атамасининг талқинига асосланиб, трибунал махсус давлат органи сифатида тушунилади ва унинг мақсади суд функцияларини (қонун ваколати доирасидан келиб чиқиб, ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат) қонун устуворлиги принциpidан фойдаланган ва қонунда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда бажаришдан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **107-моддаси** ҳамда **“Судлар тўғрисида”**ги Қонуннинг **2-моддасида** ҳам судларнинг **фақат қонун асосида тузилиши, фавқулодда**

Бошқа принцип сифатида – **“мустақиллик”** ва **“суднинг холислиги”**

кабиларни келтиришимиз мумкин, яъни суд ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиш талабига жавоб бериши, суд жараёни тугагунига қадар **холис бўлишини** англатади. Суднинг мустақиллиги бу унинг ташқи таъсирсиз ишларни ҳал қилиш қобилиятидир. “Муайян органи мустақил деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқлигини аниқлаш учун, бошқа жиҳатлар катори, унинг аъзоларини тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколат муддати, ташқи босимга қарши қафолатлар мавжудлиги ва бу ташкилот қай даражада мустақил эканлиги ҳам ҳисобга олиниши керак”(1989 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг Лангборгер қарши Швецияга қарори³⁹). БМТнинг асосий принципларида белгиланган суд ҳокимияти мустақиллигининг 1985 йилдаги минимал стандартлари Европа Кенгаши томонидан Вазирлар Қўмитасининг Р (94) 12-сонли судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли ҳақидаги тавсияномасини аъзо давлатларга қабул қилиш учун асос бўлди⁴⁰. Ушбу тавсияномада кўрсатилган қоидаларга кўра, суднинг мустақиллиги қафолати куйидаги талабларга асосланади: судьялар сонининг етарлилигига, уларнинг иш хавфсизлигига, тегишли тайёргарлик даражасига, суд ҳокимияти ёрдамчи ходимларнинг етарли таркибига ва тегишли моддий-техник таъминланганлик даражасига. Энг муҳим суд мустақиллигининг омиллари сифатида суднинг мақоми ва судьяларнинг **иш ҳақи масаласи** келтирилади, ўз навбатида, бу икки омил судьянинг касбига ва унинг иш ҳажмига мос бўлиши керак. 1998 йилда Европа Кенгаши ҳомийлигида қабул қилинган судьялар мақоми тўғрисидаги Европа Хартияси⁴¹нинг умумий тамойилларини таҳлил қилиш асосида ҳар бир судьяга нисбатан мустақиллик, холислик ва **компетентлик** талаблари қўлланилади (чунки суд амалиёти соҳасида **тажрибаси кам** ва юриспруденция соҳасида етарли **билимга эга бўлмаганлар** орасида суд мустақиллиги тўғрисида сўз

³⁹ Langborger v Sweden. URL: [http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515#{"itemid":\["001-57515"\]}](http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515#{)

⁴⁰ Langborger v Sweden. URL: [http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515#{"itemid":\["001-57515"\]}](http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-57515#{)

⁴¹ URL: [http://www1.umn.edu/humanrts/russian/euro/RRec\(94\)12.html](http://www1.umn.edu/humanrts/russian/euro/RRec(94)12.html) (мурожаат санси: 11.02.2021 г.).

юритишнинг ўзи хато). Польша Олий Маъмурий суди судьяси маъмурий қарорлар устидан суд назорати самарадорлиги тўғрисидаги ҳисобот⁴²да таъкидлаганидек, ушбу фазилатлар қўйидагиларга кўра ўзига хос аҳамиятга эга бўлади, яъни маъмурий судлар судьяларига нисбатан ижро этувчи ҳокимият органлари таъсирига тушиб қолиш хавфи ва улар ваколатларининг тор ихтисослашуви. Ҳокимиятлар тақсимланиши судларнинг мустақиллиги ва ҳолислиги талабининг асоси бўлган принцип ҳисобланади⁴³.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ҳам судларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3240-сонли Қарор⁴⁴и ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармон⁴⁵лари қабул қилинди.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя принципи Европадаги маъмурий ҳужжатларни суд томонидан кўриб чиқишда тамал тоши сифатида тушунилади. Ушбу стандарт суднинг ваколатларини вазиятни қонунчиликка мослаштириш учун зарур бўлган тузатиш чораларини кўришга кафолатлаш учун мўлжалланган. У, хусусан, қўйидагиларни назарда тутди:

зарар етказиши мумкин бўлган маъмурий ҳаракатларнинг олдини

⁴² URL: <http://www.kaluga.arbitr.ru/law/docs/5> (дата обращения: 11.02.2021 г.).

⁴³ Vučetić Dejan. Op. cit. P. 83–84.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3240-сонли Қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон; 27.05.2022 й., 06/22/142/0453-сон.

олиш бўйича дастлабки чоралар (дастлабки ҳимоя чоралари)⁴⁶, қарорларни қабул қилиш имконияти;

маъмурий ҳаракатлар ва қарорларни қабул қилиш тўғрисида буйруқ бериш ваколати;

қарорларни қабул қилиш ва маъмурий ҳаракатларнинг олдини олиш имконияти, шу жумладан, маъмурият маъмурий ихтиёрига кўра чекланган ҳолатларда, маъмурият ўз ваколатларидан чиққан ҳолда ҳаракат қилган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда(*ultra vires*)⁴⁷.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя стандарти амалдаги низоли маъмурий актни суд қарори билан алмаштириш имкониятини истисно этмайди. Шундай қилиб, маъмурий ишларни кўриб чиқаётган суд ҳар қандай ҳолатда ҳам юридик жиҳатдан қонуний, мажбурий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак, тавсия ва маслаҳатлар бериш имконияти берилишининг ўзи етарли ҳисобланмайди, агар одатда шундай қилинса ҳам (“*Bentham v Netherlands*” иши)⁴⁸. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан қўлланилган терминологияга кўра, суд низо бўйича “тўлиқ юрисдикция” ҳуқуқига эга бўлиши ёки “етарлича суд назорати” ни амалга ошириши керак («*Tsfayo v. United-Kingdom*» иши). Шунингдек, самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи судга нафақат маъмурий ариза (шикоят)нинг моҳиятини кўриб чиқиш, балки маъмурий ариза (шикоят) қаноатлантирилгандан кейин қандайдир товон пули тайинлаш (зарарни ундириш) ваколатига эга бўлиши мумкинлигини назарда тутати. Қоида тариқасида, компенсация алоҳида қарор орқали амалга оширилади. Суд, шунингдек, бирон бир томонни суд харажатларидан озод қилган ҳолда, уни оқлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак⁴⁹.

⁴⁶ Recommendation № R (89) 8 of the Committee of Ministers to member states on provisional court protection in administrative matters / Adopted by the Committee of Ministers on 13 September 1989 at the 428th meeting of the Ministers' Deputies. URL: <https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/>

⁴⁷ Р.О.Опалев. О ключевых европейских стандартах (принципах) в сфере административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 2, 2017. Ст 21

⁴⁸ Право Европейской конвенции по правам человека. М., 2016. С. 602.

⁴⁹ Vučetić Dejan. Op. cit. P. 82.

Европада маъмурий низоларда (маъмурий хужжатларни суд томонидан кўриб чиқиш, маъмурий суд ишларини юритиш) ҳуқуқий ҳимоя одатда репрессивдир. Бу шуни англатадики, ушбу ҳуқуқий ҳимоя ўз табиатига кўра кейинги **навбатдагилик характери**га эга. Ҳимоя аллақачон қабул қилинган (содир этилган) маъмурий хужжатларнинг қонунийлигини текшириш орқали таъминланади. Маъмурий иш юритиш билан бир вақтда амалга ошириладиган ёки маъмурий иш юритишни бузадиган маъмурий хатти-ҳаракатлар устидан суд назорати маъмурий фаолиятга сезиларли даражада зарар етказиши ва тўғридан-тўғри ҳокимиятлар бўлиниш принципига зид равишда ижро ҳокимияти ваколатларига номуқобил таҳдид сифатида қаралиши мумкин. Маъмурий суд иш юритувида дастлабки суд назорати истисно бўлиб ҳисобланади, яъни фақат тор доирадаги ишларда дастлабки ҳуқуқий ҳимоя қўлланилишига руҳсат этилади⁵⁰.

Суд процессида суднинг фаол иштироки принципи шуни англатадики, **давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари** ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлашдан иборат. Бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун **ўз ташаббуси билан** далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда ўз имконияти доирасида ҳаракат қилиш тушунилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида одил судлов стандарти, ўз навбатида, бир нечта элементлардан иборат деб ҳисобланади:

- процессда томонларнинг тенглиги;
- талаб қилувчи томонга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- суд қарорининг асослангиллиги⁵¹.

Суд ҳар бир тарафдан тақдим этилган далилларни ўрганиши ва ҳеч

⁵⁰ Vučetić Dejan. Op. cit. P. 84.

⁵¹ Д.В.Галушко. Международные стандарты административного судопроизводства // Журнал административного судопроизводства. № 1, 2016. Ст 42

бир томон бошқа томонга нисбатан маълум муҳим устунликларга эга бўлмаслиги керак. Муҳтож бўлган ва мустақил равишда ҳимояни ўзи таъминлай олишга қодир бўлмаган томонга, агар у одил судлов манфаати учун зарур бўлса, юридик ёрдам кўрсатилиши керак⁵². Суд қарорининг асослантирилганлиги суд таркиби томонидан баъзи далилларни қабул қилишнинг аниқ асосланганлиги, бундай далилларни батафсил таҳлил қилинганлиги, бошқа томоннинг тақдим этган эътирозлари ва рад этишлари ўрганиб чиқилганлиги, тақдим қилинган фактлардан сабабий боғланиш шакллантирилганлигини англатади.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя сингари ишларни кўриб чиқишда **асосли ва оқилона муддат стандарти** императив характерга эга бўлиб, иш оқилона муддат доирасида яқунланиши, шу қаторда, суд қарорлари қабул қилинишининг муддатларини белгилаш суд мустақиллиги принципига зид бўлмаслиги лозим. Ушбу стандартнинг амалий натижаси сифатида шуни айта оламизки, у суд тизимини шундай ташкил қилиши керакки, унда фуқароларнинг ҳуқуқлари оқилона муддат доирасида ҳимоя қилиниши даркор.

Умуман олганда, ишларни кўриб чиқишда асосли ва оқилона муддат мезонларига риоя қилиш аксарият давлатларда муаммоли масаладир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ушбу мезонни ҳисобга олган ҳолда куйидаги жиҳатларни аниқлайди: ариза берувчининг ва жавобгарнинг хатти-ҳаракатлари, ишнинг мураккаблиги, давлат органининг ишни кўриб чиқиш жараёнига ёндашуви, суд муҳокамасининг узоқроқ муддатини оқлайдиган аниқ ҳолатлар. Баъзи давлатларнинг миллий қонунчилигида ишни маълум маъмурий орган томонидан судгача кўриб чиқиш босқичи мажбурийдир; шунга мос равишда, бундай ҳолларда, ишни кўриб чиқиш муддати судгача берилган процедуранинг давомийлигига боғлиқ бўлиб,

⁵² Wasiek-Wiaderek M. The Principle of «Equality of arms» in criminal procedure under Article 6 of the European convention on Human Rights. Leuven, 2000.

оқилона муддатларнинг ошиб кетиши тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан ҳисобга олинади. Шунингдек, Европа суди суд қарорини ижро этиш вақтини ҳам инобатга олади. Маъмурий низоларни кўриб чиқишда Ўзбекистонда ҳам муддатлар масаласида айрим муаммолар мавжуд ҳисобланади. Масалан, МСИЮтКнинг 186-моддасида қайд қилинганидек, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан **уч ой ичида** судга берилиши мумкин. Бу муддат қатъий бўлмай суд узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддатни таклаши мумкин. Ҳолат қачон узрли деб топилиши эса айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Суд қарорини ижро этиш мажбурияти суд томонидан муҳофазаланиш ҳуқуқининг кафолати сифатида қаралади. Судга шикоят беришда ҳар бир шахс нафақат низоли ҳаракатни бекор қилишни, балки уни қабул қилишнинг салбий оқибатларини бартараф этишни ҳам мақсад қилади. Шахсни ҳимоя қилиш ва унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ўз ичига ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъектнинг суд қарорига мувофиқ тегишли чораларни кўриш мажбуриятини ҳам қамраб олади. Агар давлат органлари суд қарорларининг бажарилишини кечиктирса ёки уларни бажаришдан умуман бўйин товласа, бундай ҳолатда Конвенция 6-моддасида тақдим қилинган кафолатлар ўз маъносини йўқотади.

Шунингдек, суд қарорлари ижроси устидан назорат ҳам бир механизм бўлиб, уни тўғри реализация қилиш муҳимдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29

январдаги ПҚ-107-сонли Қарорида маъмурий суд қарорлари ижроси устидан назорат йўналишида қуйидаги масалалар илгари сурилди. Давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун **давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш**. Шунингдек, давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг **такроран ижро қилинмаганлиги** учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган **суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш**.

Шуни таъкидлаш керакки, айнан халқаро стандартлар дунёнинг турли мамлакатларида, ҳуқуқий тартибга солишнинг турли соҳаларида, шу жумладан маъмурий суд ишларини юритиш бўйича норматив кўрсатмаларни уйғунлаштириш механизмига айланмоқда.

Юқорида биз халқаро принцип(стандарт)ларни бирма-бир санаб уларга етарли равишда изоҳ бериб ўтдик. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида принципларга алоҳида боб ажратилган бўлиб, **8-16-моддаларда** уларга таъриф бериб ўтилган. Унга кўра, маъмурий суд ишларини юритиш қуйидаги принципларга таянган ҳолда амалга оширилади: одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, маъмурий суд ишлари юритиладиган тил, суд муҳокамасининг ошкоралиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги.

Юқорида санаб ўтилган принципларга эътибор берадиган бўлсак, уларни халқаро принциплар билан уйғунлигига амин бўламиз.

Бироқ, бизнинг қонунчилигимизда бешинчи принцип тилга оид ҳисобланиб, унга мувофиқ, маъмурий суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Маъмурий суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан танишиш, суд ҳаракатларида иштирок этиш ҳамда судда ўз она тилида ёки эркин танланган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Суд муҳокамаси жараёнида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари суд мажлиси қайси тилда ўтказилган бўлса, ўша тилда тузилади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги **кодексинг 220-моддасига биноан**, суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини **бекор қилиш учун асос бўлади**.

Хулоса ўрнида, халқаро принцип ҳисобланган **самарали ҳуқуқий ҳимоя принципини** миллий қонунчиликка тўлақонли татбиқ қилишимиз ўринли ҳисобланади. Чунки самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи судга нафақат маъмурий ариза (шикоят)нинг моҳиятини кўриб чиқиш, балки маъмурий ариза (шикоят) қаноатлантирилгандан кейин қандайдир товон пули(зарарни ундириш) тайинлаш ваколатига эга бўлиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, суд ишини кўришда тарфларда тенглик бўлиши учун **суднинг фаол иштироки принципини** тезроқ амалиётга жорий этиш суд қарорларининг асосли ва қонунийлиги ортишига олиб келади. Шунингдек, ҳар бир суд ҳужжати ўз ижроси билангина адолатни тиклай олади, агар суд қарори ижросиз қолиб кетса, судлар амалда бузилган ҳуқуқларни тиклай олмаган ҳисобланадилар. Шунга кўра, суд ҳужжатини ижро қилмаганлик учун маъмурий органларнинг мансабдор шахсларига **суд жарималарини** қўллаш суд ҳужжатини амалда ижро бўлиши механизмини яратади.

**2-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ
ҚАРОРЛАРИ, ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ)
ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДДА НИЗОЛАШИШДА
ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

**2.1-§. Маъмурий суд тартибида ишни кўриб чиқишда прокурор
иштироки ва унинг ҳуқуқий мақоми**

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасида қонунда белгиланган ҳолларда ҳамда қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилаётганда прокурор иштирок этади. Мазкур тартибнинг мавжудлиги судларда **қонуний, асосли ва адолатли** суд ҳужжатларининг қабул қилинишига олиб келади.

Жиноят ишлари бўйича судларда прокурор ҳар қандай суд босқичида иштирок этади. Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини кўрилишида прокурор иштироки суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги **ЎРҚ-661 ва 663-сонли Қонунлар**⁵³⁵⁴и билан қисман чекланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва

⁵³ “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-661-сонли Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон.

⁵⁴ “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-663-сонли Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон.

фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги 4966-сонли Фармони⁵⁵ билан **маъмурий судлар ташкил қилиниб**, суд тизимининг мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимидаги ўрнини янада оширди. Судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни асосли, адолатли ва қонуний ҳал этилишига эришиш, шунингдек илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **2020 йил 24 июлдаги Фармони**⁵⁶ билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди. Шунингдек, маъмурий судлар тузилмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сифатида қайта ташкил этилди.

Шунингдек, 2018 йил 25 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги Кодекси қабул қилиниб, ҳозирги кунда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этиш ва мазкур ишларда **прокурор** иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари мазкур кодекс талаблари доирасида амалга оширилмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармони билан

⁵⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6034-сон.

маъмурий суд ишларини юритишда **прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси** ташкил этилиб, бошқарманинг асосий вазифаси сифатида маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиш, прокурор назоратини амалга ошириш этиб белгиланди.

Ушбу соҳада прокурор фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокурорнинг 03.06.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 239-сонли ҳамда 28.02.2022 йилдаги “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 260-сонли буйруқлари қабул қилиниб, улар асосида маъмурий судларда прокурор ваколати таъминлаб келинмоқда.

Юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этишининг **ҳуқуқий асоси** бўлиб хизмат қилди.

Шунга қарамасдан, **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонунда маъмурий суд ишларини юритишда **прокурор** иштирокига оид нормалар белгиланмаган. Шу жиҳатдан ушбу Қонуннинг 4-моддаси 1-қисми 6-хатбошисини *“прокурор жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, **маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни** ҳамда иқтисодий суд ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш фаолиятини амалга оширади;”* деб ўзгартиш киритиш орқали асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаш лозим.

Бевосита тадқиқот қилинаётган мавзу ҳисобланган Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўришда прокурор иштироки зарурлиги юзасидан прокуратура ходимлари ўртасида

Ўтказилган ижтимоий сўровномада қатнашган респондентнинг 90,9 фоизи маъмурий суд ишларини юритишда бир тарафда фуқаро ва юридик шахслар, иккинчи тарафда ҳокимият ваколатига эга шахслар бўлганлиги учун прокурор иштироки зарур эканлигини қўллаб қувватласа, 9,1 фоизи прокурор иштироки муҳим эмаслигини кўрсатган⁵⁷.

Прокурорнинг суд муҳокамасида иштирок этиши масаласи бўйича бир қатор мунозаралар мавжуд. Хусусан, В.М.Гордон прокурорнинг бошқалар манфаатида судга ариза билан мурожаат қилиб, ишда иштирок этиши нотўғри эканлигини қайд қилади⁵⁸.

К.С.Юдельсоннинг фикрига кўра, процессда икки тараф мавжуд, яъни даъвогар ва жавобгар, прокурор эса уларнинг ҳеч бири бўлмаслиги кераклигини ҳамда агар прокурор ариза билан судга мурожаат қилса, у процессда давлат вакили сифатида иштирок этиши лозим деб ҳисоблайди.⁵⁹

А.Ю.Винокуров эса прокурорни низо бўйича даъвогар ёки жавобгар манфаатида суд процессига киришини нотўғри деб ҳисоблайди⁶⁰.

Бизнинг фикримизча, прокурорнинг маъмурий суддаги иштироки қарама-қаршилиқни келтириб чиқармайди, балки маъмурий суд ишларини кўриб чиқишда унинг алоҳида ҳуқуқий статуси билан характерланади.

Процессуал қонунчиликда прокурорнинг суд ишини юритишда қандай тартибда иштирок этиш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. И.Н.Лукьянова, Л.Н.Изотовалар суд жараёнида прокурорнинг иштирокини анъанавий шаклда икки турга бўлади, жумладан, прокурор ўз ташаббуси билан судларга даъво ариза шаклда мурожаат этади; суд жараёнида ўз ҳулосасини беради ёхуд қонун бўйича иштирок этади⁶¹ деб фикр

⁵⁷ Маъмурий ишлар бўйича судларда прокурор ваколатини таъминловчи ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари 20.06.2022 йил

⁵⁸Гордон В. М. Право судебной защиты по Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР // Вестн. сов.юстиции. 1924. № 1. С. 4.

⁵⁹Юдельсон К. С. Проблема доказывания в советском гражданском процессе. М., 1951. С. 120–123.

⁶⁰Винокуров А. Ю. О некоторых вопросах участия прокурора в административном судопроизводстве // Административное и муниципальное право. 2016. № 2. С. 178.

⁶¹ Лукьянова И. Н. Участие прокурора в гражданском деле и правовая определенность в современном российском гражданском процессе // Законы России: опыт, анализ, практика. 2012. № 9. С. 39–46; Изотова

билдиришган. О.С.Рогачева эса прокурорнинг судга даъво ариза шаклда муурожаат қилиши ҳамда маъмурий иш бўйича ўз хулосасини бериш орқали иштирок этишини кўрсатади⁶².

А.С.Фединанинг фикрича, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор фуқаролик процессидаги иштироки каби икки хил шаклда қатнашади: биринчидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларида, маълум бир шахслар ёки давлат манфаатида, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа шахслар манфаатида судга ариза билан муурожаат қилади; иккинчидан, суд процессида бошқа шахсларнинг маъмурий ишларида қатнашади ва ўз хулосасини беради⁶³.

Баъзи адабиётларда прокурорнинг маъмурий судларда иштирок этишининг учинчи шакли сифатида қонуний кучга кирмаган ва кучга кирган суд қарорларига нисбатан муносабат билдириши ҳам кўрсатилган⁶⁴.

Н.А.Чечинанинг фикрича, прокурор фуқаролик процесси иштирокчилари каби ишда иштирок этиб, унинг асосий вазифаси жамият манфаатларини, қонунийликни ҳимоя қилишдан иборат. Прокурор вакил сифатида таклиф қилинади⁶⁵. Бошқа бир олимлар эса прокурорнинг суд процессида давлат манфаатларини кўзлаб унинг вакили сифатида ишда иштирок этишини кўрсатади⁶⁶.

Назаримизда И.Н.Лукьянова, Л.Н.Изотова, О.С.Рогачева, А.С.Фединаларнинг фикрлари асосли бўлиб, Н.А.Чечина,

Л. Н. Отдельные процессуальные вопросы участия прокурора в арбитражном процессе // Арбитражный и гражданский процесс. 2013. № 12. С. 11–15.

⁶² Рогачева О.С., Участие прокурора при рассмотрении отдельных категорий административных дел: формы участия и особенности процессуального положения // Журнал административного судопроизводства. 2018. № 2. С.14-22.

⁶³ Муравьев А.А. и другие. Комментарий к кодексу административного судопроизводства Российской Федерации // М., 2015, С. 23-24

⁶⁴ Беспалов Ю. Ф. Комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации (постатейный научно-практический). М., 2016. С. 108–109; Рыжаков А. П. Постатейный комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации // СПС «Консультант Плюс»; Участие прокурора в административном судопроизводстве // URL: http://www.prokuror-rostov.ru/law_explanation.

⁶⁵ Гражданский процесс : учебник / под ред. В. А. Мусина, Н. А. Чеченой, Д. М. Чечота. М., 2001. С. 85

⁶⁶ Лукьянова Е. Г. Теория процессуального права. М., 2003. С. 143 ; Чечот Д. М. Участники гражданского процесса. М., 1960. С. 175 ; Чен-цов Н. В. Проблемы защиты интересов в гражданском судопроизводстве. Томск, 1980. С. 115.

Е.Г.Лукьянованинг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Прокурор фақатгина давлат ва жамият манфаатларида эмас, балки фуқаролар манфаатида ҳам суд процессида иштирок этади. Прокурор вакил сифатида эмас, тараф сифатида алоҳида ҳуқуқий мақоми билан иштирок этади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 2001 йил 29 августдаги Қонун⁶⁷ининг 38-моддасига кўра, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурор протестни шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Шунингдек, мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтириш ваколати мавжуд. Ушбу нормадан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний қарорларига нисбатан прокурорнинг протест келтиришга ваколатлилига кўра, унинг ғайриқонуний қарорлар маъмурий судларда кўрилаётганда қатнашиши ҳам лозим ҳисобланади. Бу механизм **профилактик таъсирга** ҳам эга бўлиб, кейинчалик ғайриқонуний қарорларга нисбатан протест келтириш орқали бузилган ҳуқуқларни эртaroқ тиклашга эришиш мумкин бўлади. Шу жиҳатдан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига прокурор томонидан протест келтириш орқали масалани ҳал этиш тўғрими ёки маъмурий судларга ариза киритиш орқали масалани ҳал этган тўғри деб ҳисоблайсизми деган саволга ижтимоий сўровномада қатнашган респондентнинг **72,7 фоизи** протест келтириш орқали ҳал этган маъқул деса, **27,3 фоизи** маъмурий судларда ҳал этган маъқулроқ деб эътироф этган⁶⁸.

Бизнинг фикримизча, прокурорнинг маъмурий ишда иштироки унинг алоҳида ҳуқуқий мақоми билан тавсифланади. МСИЮтКнинг 188-моддасига кўра, **маъмурий органларнинг**(ҳокимлик ҳам маъмурий

⁶⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

⁶⁸ Маъмурий ишлар бўйича судларда прокурор ваколатини таъминловчи ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари 20.06.2022 йил.

орган ҳисобланади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги иш устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) **содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг вакиллари иштирокида** кўриб чиқилади. Мазкур нормада ушбу тоифадаги ишларни кўришда прокурор қатнашиши белгиланмаган. Бироқ, прокурор бундай тоифадаги ишлар кўрилишида амалда Бош прокурорнинг “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги **260-сонли буйруғига асосан** прокурор мазкур тоифадаги ишларда мажбурий тартибда қатнашмоқда. Шунингдек, ҳокимларнинг **қарорлари** ҳақиқий эмас деб топилгандан сўнг ҳам улар ижросини таъминлашда ҳам прокурор иштирок этмоқда.

Жумладан, **Оқ йўл барака фермер хўжалигининг** жавобгар **Фарғона тумани ҳокимлигига** нисбатан Фарғона туман ҳокимининг 2021 йил 12 январдаги “Оқ йўл барака” фермер хўжалигининг жами **187,91 гектар** майдони туман захирасига қайтариш” ҳақидаги **15-сонли қарорини** ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаби Фарғона туманлараро маъмурий суди томонидан **2021 йилнинг 5 май** куни қаноатлантирилган. Бироқ, мазкур қарор ижроси бир ойлик муддатда таъминланмаган. Натижада, **2021 йил 7 июлда** туман прокуратураси томонидан туман ҳокимининг ҳуқуқшуноси И.Рўзматовга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилиниб, суд қарори ижросини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

Ёки фуқаро А.Остонов жавобгар Самарқанд шаҳар ҳокимлигига нисбатан **251,89 кв.метр**, қурилиш ости майдони **146,4 кв.метр** бўлган савдо дўкони биносига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурияти юклашни сўраб судга мурожаат қилган. Самарқанд туманлараро маъмурий судининг 2021 23-мартдаги қарори билан қаноатлантирилган. Бироқ, суд

қарори ижроси ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли шаҳар прокуратураси томонидан суд қарори ижросини таъминлаш бўйича **ҳокимликга хат юборилган**⁶⁹.

Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, прокурорнинг маъмурий органлар қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)ини қонунга ҳилоф деб топишда **прокурор** иштирок этишини мажбурий қилиб белгилаш Кодексида белгилаш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги МСИЮТКга кўра, прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этишини қуйидаги шаклларга ажратиш тўғри бўлади:

- 1) судга ариза билан мурожаат қилиш;**
- 2) бошқа шахсларнинг аризалари бўйича қўзғатилган ишларда иштирок этиш;**
- 3) ноқонуний суд қарорларига нисбатан протест келтириш.**

Прокурорнинг бундай иштироки унинг маъмурий суд ишларини юритишда қандай тоифадаги ишларда қатнашиши лозимлиги ҳақидаги масалани юзага келтиради.

МСИЮТКнинг 46-моддасига асосан қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолатларда прокурор судда иштирок этиши шарт. Бироқ, қонун чиқарувчи томонидан МСИЮТКда прокурорнинг сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича (МСИЮТКнинг 142-моддаси) ва йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ишларда (МСИЮТКнинг 194-моддаси) прокурор **иштирок этиши лозимлиги кўрсатилган**. Бошқа маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда прокурор иштирок этиши қонунда назарда тутилмаган.

Масалан МДХга аъзо айрим давлатлар маъмурий процессуал

⁶⁹ <http://www.prokuratura.uz>.

қонунчилиги таҳлили (масалан, Россия Федерацияси МСИЮтКнинг 231, 259, 268, 275, 280, 285, 292-моддалари) прокурор иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни назарда тутди. Бошқа қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганда, масалан ФПКда прокурор иштирок этиши шарт бўлган фуқаролик ишлари тоифаси кўрсатиб ўтилган⁷⁰.

С.Б.Тимошинова тадқиқотларида маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида кўрилаётган **ҳар қандай ишда** муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда махсус орган сифатида прокурор иштироки ҳақида илмий ғояларни илгари суради⁷¹. Ушбу фикрлар мунозарали бўлиб, назаримизда, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ низоларда тарафлар тенглигини таъминлаш мақсадида прокурор иштироки суд жараёнида зарур ҳисобланади. Бу тоифадаги ишларда бир томонда давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари мавжудлиги сабабли, қонунда тўғридан-тўғри прокурор иштирокини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, Бош прокурорнинг “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2022 28 февралдаги 260-сонли буйруғига асосан прокурор қуйидаги тоифадаги ишларда мажбурий тартибда иштирок этиши лозим:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- прокурорнинг аризаси асосида кўзғатилган ишларда;
- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

⁷⁰ ФПКнинг 302-моддаси, 307-моддаси, 313-моддаси, 318-моддаси, 322-моддаси, 325-моддаси, 329-моддаларида прокурор иштирок этиши шартлиги ҳақида нормалар мавжуд.

⁷¹ Тимошинова С.Б. Зарубежный опыт признания незаконными решений, действий (бездействия) органов государственной власти в порядке административного судопроизводства // Административное судопроизводство., 2018., №2, С. 189-194

– давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги *(бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан боғлиқ ишлардан ташқари)*;

– сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

– давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

– инвестициявий ҳамда рақобат тўғрисидаги низоларга доир ишларда;

– Олий суд, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маъмурий судларида биринчи инстанция сифатида кўрилаётган барча тоифадаги ишларда;

– апелляция, ҳамда кассация инстанцияларида кўрилаётган барча маъмурий ишларда.

Бош прокурорнинг ушбу буйруғи фақатгина прокуратура ходимлари учун мажбурий характерга эга. Бизнинг фикримизча, МСИЮтКда прокурор иштирок этиши шарт бўлган тоифалар белгиланиши прокуратура органларининг масъулиятини янада кучайтиришга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Прокурорнинг суд процессидаги ролига баҳо берадиган бўлсак, у далилларга баҳо беради, қандай далиллар аниқланганлиги, иш бўйича қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши, ишнинг мазмунан кўрилиши

натижаси бўйича ариза қаноатлантирилиши ёки қаноатлантирилмаслиги тўғрисида фикр беради. Агар низо давлат манфаатлари билан боғлиқ бўлса, унинг ижтимоий моҳияти ҳақида тўхталиб ўтиши керак. Баъзан прокурор судда оғзаки фикр бериш билан бирга, суд мажлиси баённомаси холисона ва тўлиқ ёзилишини таъминлаш учун фикрини ёзма равишда ҳам бериши мумкин. Суд музокараси якунида ишда иштирок этган қатнашувчилар ёки прокурор суд процессида аниқланмаган ёхуд текширилмаган далилларга асосланиб, фикр беришлари мумкин эмас.

Прокурор аризачи мақомида суд процессига киришганда, аризачининг ҳуқуқларидан фойдаланар экан, шу билан биргаликда унинг мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади. Юридик адабиётларда прокурорнинг процессуал ҳуқуқлари айтилган вақтнинг ўзида унинг процессуал мажбуриятлари билан ҳисобланиши таъкидланади⁷².

Бошқа юридик адабиётларда прокурор процессуал мажбуриятларни бажаришлигини, бироқ, **суд харажатларини тўлаш** бундан мустасно эканлиги кўрсатилади⁷³. О.С.Рогачева ва М.Мамасиддиқов ҳам ўз тадқиқотларида буни алоҳида таъкидлайди.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда прокуратура органларининг асосий вазибалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш орқали процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади⁷⁴.

⁷² Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Саратов, 2002. -15 с. Мамасиддиқов М.М., Шайзаков Ш.И. Шамсиддинов У. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш масалалари // Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, 2020. Б. 55

⁷³ Административное судопроизводство : учебное пособие / С. Л. Басов, Н. А. Васильчикова, И. И. Головкин, О. А. Гуреева, Э. Р. Исламова ; отв. ред. В. В. Лавров. — Санкт-Петербург : СанктПетербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2017. С. 74

⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 2001 йил 29 августдаги Қонуни 2-моддаси / www.lex.uz

Бироқ, МСИЮтКда прокурорларнинг суд харажатларидан озод этилганлиги кўрсатилмаганлиги амалиётда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, судга ариза киритишда **почта харажатлари** тўлашни судлар томонидан талаб қилиш мутлақо асоссиз ҳисобланади. Чунки прокурорлар маъмурий ишлар бўйича нафақат давлат божи, балки бошқа уд харажатларидан ҳам озод ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида прокуратура органлари - давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги кўрсатилган.

Прокурор нафақат судгача босқич ва суд процесси давомида прокурор ваколатини таъминлайди, балки суд қарори қабул қилингандан сўнг ҳам қабул қилинган қарорнинг қонунийлигини ўрганиши ва протест келтириши мумкин. Шунингдек, юқори инстанцияларда ишлар кўрилишида ҳам иштирок этади.

Ш.Шораҳметовнинг фикрича, судда қабул қилинган қарорлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилади. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасидан норози бўлган шахслар юқори турувчи судга шикоят, прокурор эса протест билан мурожаат қилиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбур эканлигини таъкидлайди⁷⁵.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат шикоят ёки протест шаклида амалга оширилади.

Амалдаги МСИЮтКнинг 200 ва 224-моддаларига асосан прокурор

⁷⁵ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент, “Адолат”. 2001. Б. 348

биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман протест келтириш орқали юқори судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Бу прокурор тоифасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари киради.

Шу ўринда яна бир масала, прокурор юқори судларга протест орқали мурожаат қилиши юзасидан ҳам олимлар турли хил фикрлар билдиришган. Масалан, Ш.Абдуқодировнинг фикрича, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларни юритиш тўғрисидаги кодекслардаги суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқишда фарқ мавжуд. Бу эса тарафларнинг тенглиги ва суд ишларини юритишдаги тортишув принципига мувофиқ келмайди. Шу сабабли амалдаги қонунлардаги прокурорларнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқини тақдимнома киритиш деб белгилашни илгари суради. Ўз фикри давомида “протест” бирон нарсага қатъий норозиликни билдирувчи расмий эътироз эканлигини, “тақдимнома” бирон-бир маълумотни илтимоснома тарзидаги ифодаладиган расмий ҳужжат эканлигини кўрсатади⁷⁶. Бироқ, мазкур фикрлар мунозарали бўлиб, ҳужжат сифатида тақдимнома ва протест процессуал жиҳатдан фарқ қилади.

МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг 27-ялпи мажлисида “Прокуратура тўғрисида”ги модел қонуни қабул қилинган (16.11.2006 йил №27-6) бўлиб, қонуннинг 18-моддасида судда иштирок этувчи прокурор ариза, хулоса, протест ва бошқа ҳужжатларни процессуал қонунчиликка асосан қўллашлиги белгиланган⁷⁷. Ёки хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, мисол учун Қозоғистон Республикаси Маъмурий

⁷⁶ Ш.Ё.Абдуқодиров. Судларнинг чинакам мустақиллиги йўлидиги муҳим қадам // 08.05.2020 й. <http://uza.uz/posts/208933>

⁷⁷ <http://docs.cntd.ru/>

процессуал кодексининг 37-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг шикоят бериш, прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқи мавжудлиги кўрсатилган⁷⁸. Ёхуд, Арманистон, Беларусия, Молдова, Словения, Словакия, Венгрия, Португалия, Австрия каби давлатларнинг прокуратура тўғрисидаги қонунчилигида жиноий, фуқаролик ва маъмурий суд ишларинини юритишда прокурорлар ўз ваколат доирасида **протест** келтириш ҳуқуқи мавжудлигини кузатиш мумкин.

Прокурорнинг юқори суд инстанциясида иштирок этиши суд фаолиятини назорат қилиш эмас, балки қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Суд мажлисида иштирок этувчи прокурор қонуний ва асосли апелляция, кассация ва хусусий протестларни қувватлаши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига зид қабул қилинган суд қарорлари ва ажримларини бекор қилиш ёки ўзгартиш чораларини кўради. Ишда иштирок этувчи прокурорлар ўз ишларини ташкил қилишда, шикоят ёки протест билан келиб тушган бирорта маъмурий иш уларнинг эътиборидан четда қолиши керак эмас. Прокурор ҳар бир маъмурий ишни, шикоят ёки протестга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш орқали суд қарорларининг қонуний ва асослилигини текширади. У шикоят ёки протест важларини иш ҳужжатларига мослигига алоҳида эътибор бериши керак. Агар протест қонуний ва асосли суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришга қаратилган бўлса, бундай протестни чақириб олиш юзасидан юқори турувчи прокурорни хабардор қилиши ёки уни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида фикр бериши мақсадга мувофиқ.

Юқори инстанцияси судида иштирок этувчи прокурор шикоят ёки протест важлари доирасида эмас, **балки бизнингча бутун иш бўйича** фикр бериши керак. Агар иш бўйича моддий ва процессуал қонун нормалари бузилган бўлса, улар шикоят ёки протестда қайд қилинган-

⁷⁸ <http://www.adilet.gov.kz>

қилинмаганлигидан қатъи назар, суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида фикр билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**” 12.01.2021 йилги ЎРҚ-662-сонли Қонуни амалдаги қонун нормалари такомиллаштирилиши муносабати билан МСИЮтКнинг 230¹-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси кассация шикояти ёки протести бўйича суддан ишни талаб қилиб олишга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларнинг ўринбосарлари ҳам иш бўйича тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлганда, кассация протести келтириш тўғрисидаги масаласини ҳал этиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга ваколатли эканлиги белгиланди. Шунингдек, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси **Олий суди раиси ва унинг ўринбосарларига** ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида **протест келтириш** ваколати берилган. Бироқ мазкур амалиёт одил судловни амалга оширишда айрим муаммоларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, “Судлар тўғрисида” ги Қонуннинг 31-моддасида Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари - судлов ҳайъатларининг раислари Олий судининг **тегишли судлов ҳайъатлари** мажлисларида **раислик** қилиши белгиланган.

Қонуннинг 58-моддасида, Ўзбекистон Республикасида судьялар қонунга мувофиқ **одил судловни амалга оширишга** ваколат берилган шахслардир. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга. Судлар раислари, раис ўринбосарлари **айни вақтда судьялардир**.

Юқоридаги нормага асосан Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ҳам **судья ҳисобланиб**, уларга ҳам **одил судловни амалга оширишга** вазифаси юклатилган. Шу жиҳатдан **Олий суди раиси ва унинг ўринбосарларининг** ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида **протест келтириш** ваколатини бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу тўғрисида ижтимоий сўровномада қатнашган респондентнинг **70 фоизи** протест келтириш ваколатини бекор қилишни маъқул деса, **30 фоизи** бунга қаршилик билдирганлар⁷⁹.

Бу ўзгартириш қонун билан **Олий суд раисининг биринчи ўринбосари**, ўринбосарларига юклатилган вазифаларни бажаришга, шу билан бирга, ишларни такроран **кассация инстанциясида холисона кўрилишини таъминлашга**, ягона суд амалиётини шакллантиришга, қарорлар қабул қилишда судьяларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Демак, юқори инстанция судларида маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни юритишда прокурор иштироки маъмурий ишларни қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқилишининг самарали воситаларидан бири бўлиб, бу орқали қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

⁷⁹ Маъмурий ишлар бўйича судларда прокурор ваколатини таъминловчи ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари 20.06.2022 йил.

2.2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг судда кўриб чиқиш масалалари

Маъмурий суд ишларини юритиш Ўзбекистон Республикасида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс (кейинги ўринларда МСИЮтК) талаблари доирасида олиб борилади. Шунингдек Қодексда бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш мумкинлиги эътироф этилган. Бошқа қонун ҳужжатлари деганда, ҳозирги кунда **2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни⁸⁰**ни ҳам келтириб ўтиш мумкин, чунки ҳозирда бу қонун маъмурий судларда асосий қўлланиладиган норматив ҳужжат ҳисобланади. Бироқ, мазкур қонун маъмурий суд иш юритувини **процессуал жиҳатдан тартибга солмай, маъмурий органнинг маъмурий тартиб-таомилларга амал қилиб маъмурий ҳужжат** чиқарганлигини аниқлаб беради.

Мазкур Қонунга кўра, маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа **маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга** нисбатан татбиқ этилади.

Маъмурий тартиб-таомиллар қонунийлик, мутаносиблик, ишончлилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги, бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг “бир дарча” орқали амалга оширилиши, тенг ҳуқуқлилик, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг)

⁸⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

қонунийлиги, текшириш каби принципларга асосланади.

Маъмурий судларда маъмурий тартиб-таомиллар муҳим аҳамият касб этади, чунки маъмурий-ҳуқуқий низо аксарият ҳолларда маъмурий органлар томонидан **маъмурий тартиблар** бузилиши натижасида келиб чиқади. Шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларнинг принциплари бузилиши билан боғлиқ низолар маъмурий судларда кўриб ҳал этилади. Мисол тариқасида, **мутаносиблик принципини олиб кўрадиган бўлсак**, Қонунга биноан маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак. Шунга кўра, мазкур принципни бузилиши натижасида қабул қилинган ҳоким қарорига нисбатан аризачи **маъмурий судга** мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Бошқа бир принципни олиб кўрадиган бўлсак, маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча **қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлар** манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинади.

Яна бир принципга биноан виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган **ишончи қонун билан** кўриқланади. Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний кутилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак.

Маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик **маъмурий ҳужжатларнинг ва**

маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судга мурожаат фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишлар бўйича, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда **ариза (шикоят) ва илтимоснома шаклида амалга оширилади.**

Апелляция, кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда, шунингдек қонунларда назарда тутилган ҳолларда **шикоят (протест) шаклида судга мурожаат амалга оширилади.**

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Маъмурий иш ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ёхуд суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган **суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар** асосида шакллантирилади.

Шунингдек, маъмурий ишлар бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, юридик шахсларнинг эса мулкчилик шаклидан, жойлашган еридан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъий назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тарафларнинг **тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида** амалга оширилади.

Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда, тарафлар ўз процессуал мажбуриятларини бажариши ва ўзларига берилган ҳуқуқларни

амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиб беради.

Суд маъмурий ишни кўраётганда **маъмурий органнинг хужжати** қонунга мувофиқ эмаслигини, шу жумладан хужжат ваколат доирасидан четга чиқилган ҳолда қабул қилинганлигини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллайди, бундай нормалар ҳам мавжуд бўлмаганда эса низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқиб ҳал қилади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда қонун хужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган **зиддиятлар ва ноаниқликлар** фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдасига талқин этилади.

Биринчи инстанция бўйича маъмурий ишлар туман (шаҳар) маъмурий судларида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида судья томонидан **якка тартибда** кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси **Олий суди биринчи инстанция** бўйича ишларни ҳайъатда кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида ишларни апелляция тартибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида апелляция, кассация тартибида кўриш уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат ҳайъатда, амалга оширилади.

Муайян ишни кўриш учун суд таркиби судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, суд таркибини шакллантиришга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, шунингдек автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

Бир судья ёки суд таркиби томонидан кўрилиши бошланган иш айнан шу судья ёки суд таркиби томонидан кўриб чиқилиши керак.

Судья алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш бошидан бошланади.

Суд томонидан иш ҳайъат таркибида кўрилатганда юзага келадиган масалалар судьялар томонидан кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Судьяларнинг бирортаси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Суд мажлисда раислик қилувчи судья ҳаммадан кейин овоз беради.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок эта олмайди, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция инстанцияда кўришда иштирок эта олмайди.

Юқоридаги тартиблар маъмурий суд ишларини юритишнинг умумий тартибларини белгилаб беради. Бироқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и билан боғлиқ ишларни судда кўриш ўзига ҳос хусусиятлари мавжуддир. Хусусан,

МСИЮтКнинг 184-моддасига кўра, маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, **судда** кўриб чиқилади. Мазкур нормадаги агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади деган қонуннинг мазмуни шуки, айрим тоифадаги ишларни маъмурий юстиция асосида маъмурий органлар орқали ҳал этиш тартибини белгилайди. Биз тадқиқ этаётган ҳоким қарорлари ва ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и билан боғлиқ ишларда бундай чеклов йўқ, **аризачилар** бевосита судга мурожаат қилишлари мумкин ҳамда уларнинг аризалари асосида маъмурий иш кўзғатилади.

МСИЮтКнинг 185-моддасига асосан, манфаатдор шахс маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли:

унинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузган;

унинг ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсиқлар вужудга келтирган;

унинг зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклаган;

унинг у ёки бу соҳадаги фаолиятни амалга ошириши учун бошқа тўсиқлар вужудга келтирган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур норма мазмунидан англашиладики, агар манфаатдор шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини

бузмаса, улар маъмурий орган масалан, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш бўйча судга мурожаат қила олмайдилар.

Шунингдек, агар МСИЮТҚда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан **уч ой ичида** судга берилиши мумкин.

Ариза (шикоят) беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин. Мазкур ҳар иккала қоида жуда мунозарали бўлиб, уч ойлик муддатни амалиётга тўғри татбиқ этиш ва муддатни тиклаш масалаларини тўғри ҳал этиш жуда қийин. Чунки 3 ойлик муддат жуда оз ҳисобланади.

Диссертация иши доирасида ўрганишлар судлар томонидан муддатларни қўллаш борасида турлича ёндашув ва амалиёт шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, Янгийўл туман ҳокимининг 16.09.2019 йилдаги 4162-сонли ва 12.10.2019 йилдаги 4812-сонли қарорлари билан **“Real Golden Max”** МЧЖга “Хазратқул омад” фермер хўжалиги эгалигидаги суғориладиган экин ер майдонидан “Автомобилларга газ тўлдириш шахобчаси” қуриш учун **0,40 гектар** ер ажратилган.

Мазкур ноқонуний қарор прокурор протестига асосан Янгийўл туман ҳокимининг 06.01.2020 йилдаги 12-сонли қарори билан бекор қилинган.

Аммо, **Чиноз** туман маъмурий судининг 12.08.2020 йилдаги қарори билан “Real Golden Max” МЧЖнинг аризасига асосан туман ҳокимининг 12-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Ушбу суд қарорига нисбатан Тошкент вилоят прокурорининг орадан

6 ой ўтиб келтирган апелляция протести вилоят маъмурий судининг 15.04.2021 йилдаги **ажрими** билан иш юритувга қабул қилиш рад этилган.

Мазкур ажримга нисбатан келтирилган вилоят прокурорининг кассация ҳамда **Бош прокурор ўринбосарининг** такрорий кассация протестлари Олий суднинг 04.06.2021 йилдаги ва 16.09.2021 йилдаги қарорлари билан қаноатлантирилмасдан, муддатни тиклаш **рад этилган**.

Айни вақтда, Тошкент туман маъмурий судининг 18.10.2019 йилдаги қарорига нисбатан берилган “Қўйлиқ” хусусий корхонасининг апелляция шикоятни вилоят маъмурий судининг 16.09.2020 йилдаги **ажрими** ҳамда Олий суд судлов ҳайъатининг 15.12.2020 йилдаги **қарори** билан шикоят қилиш муддати **11 ой** ўтиб кетганлиги сабабли, шикоятни қабул қилиш асосли рад этилган.

Бироқ, **Олий суд раиси ўринбосарининг** протестига асосан, иш кассация тартибида такроран кўриб чиқилиб, 12.08.2021 йилдаги қарор билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шикоят бериш **муддати тикланган** ва иш мазмунан кўриб чиқиш учун апелляция судлов ҳайъатига юборилган.

Ўз навбатида Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция инстанцияси 19.10.2021 йилда биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиб, “Қўйлиқ” хусусий корхонасининг манфаатида янги қарор қабул қилган.

Ёки бўлмаса, “Хасан-Хусан нурли замини” фермер хўжалигининг Олтиариқ туман ҳокимининг 13.09.2016 йилдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси орадан **5 йил** ўтиб, судлар томонидан судга мурожаат қилиш муддати асосиз тикланиб, ариза қаноатлантирилган.

Натижада ушбу ердан фойдаланиб келган “Арслонкул обод келажаги” фермер хўжалигининг қонуний манфаатларига зарар етган⁸¹.

Мазкур суд қарорларидан кўриниб турибдики, МСИЮтКнинг

⁸¹ <http://www.public.sud.uz>.

186-моддасидаги **3 ойлик муддат** масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

Шунингдек, маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги аризада умумий тартибдаги қоидалардан ташқари аризада (шикоятда) МСИЮтКнинг 187-моддасига кўра, қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) устидан шикоят қилинаётган **қарорни қабул қилган ёки шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;**

2) устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

3) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

4) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонунчиликка зид эканлиги;

5) аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.

Шунингдек, аризага (шикоятга) ушбу Кодекснинг 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарорнинг матни илова қилинади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021

йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарори ижросидан келиб чиқиб, мазкур модда **2-қисмининг биринчи ва иккинчи бандларини** чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Чунки судлар далиллар йиғишда бевосита ўзлари иштирок этишлари ва манфаатдор шахсларга қийинчилик туғдирмасликлари лозим.

Шунингдек, маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.

Фикримизча, мазкур норманинг ўрнатилганлиги асосли ҳисобланади. Чунки ваколати бўлмаган мансабдор шахс ёки орган томонидан қабул қилинган қарор ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади ва ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Бундан ташқари, маъмурий органлар қарорлари бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунчиликка зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим

қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризаچининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни **рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори** қабул қилади.

Қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга ҳилоф деб топиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) қарорни қабул қилган ёки ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

2) қарорнинг тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас ёки ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунга ҳилоф деб топилганлиги;

3) суд ҳаражатларини тақсимлаш.

Қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга ҳилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризаچининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризаچига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан **бир ой ичида** хабар қилиш.

Мазкур норма бўйича бундай тоифадаги ишлар бўйича суд томонидан ижро варақа бермаслик ҳам амалиётда суд қарорлари ижросини таъминлашни имконсиз қилиб қўймоқда. Шу жиҳатдан, амалдаги қонун талабидан келиб чиқиб, бугунги кунда судлар томонидан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини (қарорини) ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг

зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги суд қарорлари ижро этиш мазкур давлат органининг ўзига юборилмоқда.

МСИЮтКнинг 276-моддасига асосан, мажбурий ижро органига фақатгина суд қарорининг давлат бојини ундириш билан боғлиқ қисми ижро варақаси асосида юборилмоқда.

Ҳокимият органлари томонидан суд қарорларининг ижро этилмаган тақдирда, уни мажбурий ижро этиш механизмлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, айрим суд қарорлари ижроси амалда бажарилмасдан қолмоқда.

Мисол учун, Сирдарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 26.11.2020 йилдаги қарори билан Боёвут туман маъмурий судининг 23.10.2020 йилдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилиб, Боёвут туман ҳокимининг 08.06.2020 йилдаги 424-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги “Сарвар Достон Хамкор” фермер хўжалигининг аризаси рад этилган.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 23.02.2021 йилдаги қарори билан қуйи инстанция судининг қарорлари бекор қилиниб, ҳоким қарори ҳақиқий эмас деб топилган бўлсада, суд қарорининг ижроси таъминланмаган, ҳозирги кунга қадар фермер хўжалигига 31,8 гектар ер майдони 7 ой давомида қайтариб берилмаган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, МСИЮтКнинг 276-моддаси 2-қисмини қуйидаги талқинда **“Суд ҳужжатининг мажбурий ижроси, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади”** ифодалаш мақадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, тадқиқот иши давомида ўтказилган ижтимоий сўровномада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари бўйича низолашиш тўғрисидаги ишларда судларда келишув битими тузиш инситутини жорий этиш муҳим деб ўйлайсизми деган саволга респондентларнинг 36,4 фоизи “Ҳа” деб жавоб берган бўлса, 63,6 фоизи

“Йўқ” деб жавоб берган⁸². Бундан кўринадики, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларга нисбатан келишув инситутини жорий қилиш масаласини такроран ўйлаб кўриш керак. Чунки бундай муносабатларда давлат ва халқ манфаатлари устувор бўлиб туради.

Бундан ташқари, ҳоким қарорлари бўйича маъмурий судларда низолашиш тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал этишда айрим масалалар бўйича таклифлар респондентлар ўртасидаги сўров орқали аниқлаштириб олинди. Жумладан, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари бўйича низолашиш тўғрисидаги ишларнинг Республикадаги салмоғидан келиб чиқиб, мазкур тоифадаги ишларни тўғри ҳал этиш бўйича Олий суд Пленуми қарори ишлаб чиқиш зарурлиги бўйича сўровномада қатнашганларнинг **90,9 фоизи** Пленум қарори қабул қилиниши лозим деб ҳисоблашади. Шу билан биргаликда, сўровномадаги қарорларига прокурор томонидан протест келтирилган, бироқ протестни тегишли тартибда кўриб чиқмаган, шундан сўнг маъмурий суд орқали қарори ҳақиқий эмас деб топилган ҳокимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриш бўйича юқори турувчи органга тақдимнома киритиш лозим деб ҳисоблайсизми деган саволга **81,8 фоиз** респондент бу қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутганлиги сабабли саволга “Ҳа” деб жавоб берганлар.

Хулоса ўрнида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўриш амалиётини фуқаролар ва юридик шахслар манфаатини тўлиқ таъминлайдиган жараёнга айлантириш, бунда **судья ва прокурорнинг** суд процессидаги ролини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

⁸² Маъмурий ишлар бўйича судларда прокурор ваколатини таъминловчи ходимлар ўртасида онлайн ўтказилган сўровнома натижалари 20.06.2022 йил

3-БОБ. ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1-§. Маъмурий ишларни судда кўриб чиқиш билан боғлиқ хорижий мамлакатлар тажрибаси

Маъмурий суд ишларини юритишда Россия Федерацияси, Қирғизистон, Қозоғистон, Украина, Канада, Америка Қўшма Штатлари каби хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш миллий қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларда асосан маъмурий юстиция (маъмурий судлов)ни ташкил этишнинг уч хил моделини кузатиш мумкин:

Маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли.

Маъмурий юстициянинг квази судлов шакли.

Маъмурий юстициянинг махсус судлов шакли.

Россия Федерациясида (кейинги матнларда РФ деб юритилади) маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли амал қилади. Унга кўра оммавий-ҳуқуқий низолар ихтисослашмаган, яъни умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиб ҳал этилади. Бунда судлов ишларини юритиш алоҳида қонунчилик билан тартибга солинади.

РФнинг 2015 йил 8 мартдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга асосан прокурор маъмурий ишларни кўришда иштирок этади⁸³.

РФ процессуал қонунчилигига биноан прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, муайян тоифадаги шахсларнинг ёки РФнинг манфаатларини, РФ субъектлари, муниципалитетлари ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолатларда **даъво ариза билан судга мурожаат** қилиш ҳуқуқи мавжуд. Маъмурий ва

⁸³ Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ <http://pravo.gov.ru/>

оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича агар шахс ёши, соғлиғи, ногиронлиги ва бошқа асосли сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, судга даъво ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

РФ процессуал қонунчилигида ариза киритган прокурор маъмурий даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан **фойдаланади ва мажбуриятларини** ўз зиммасига олади. Бунда ярашув тўғрисида келишув битими тузиш ҳуқуқи ва суд харажатларини тўлаш мажбурияти мустасно. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКдан фарқ қилади, чунки миллий қонунчиликда келишув битими институти мавжуд эмас.

Р.К.Сарпеков ўз тадқиқотларида Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг процессуал тартиб қоидалари ўхшаш эканлигини билдиради⁸⁴. Демак, миллий қонунчилик билан РФ процессуал қонунчилигининг ўхшаш жиҳатлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- прокурорнинг фуқаролар ва юридик шахслар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиб, маъмурий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги;

- прокурорларнинг маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан судга мурожаат қилишнинг тоифаларга ажратилганлиги;

- прокурор аризачининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланиши;

- прокурорнинг ўз аризаси (даъвоси)дан воз кечиши аризачи (маъмурий даъвогар) ни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш

⁸⁴ Сарпеков Р.К. Участие прокурора в административном судебном процесс: сравнительно-правовое исследование // Административное право и процесс. Федеральный научно-практический журнал. - М.: 2020. № 3. - С. 43.

хукуқидан маҳрум этмаслиги;

- прокурор томонидан аризачи (маъмурий даъвогар)нинг хукуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган талабдан аризачи (маъмурий даъвогар)нинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдириши;

- бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга доир аризаси бўйича қўзғатилган ишлар юзасидан фикр (хулоса) бермаслиги.

Қозоғистон Республикасининг 2020 йил 29 июндаги Маъмурий процессуал кодексига (кейинги матнларда МПК ёки процессуал қонунчилик деб юритилади) асосан прокурор маъмурий ишларда иштирок этади⁸⁵.

МПКга асосан прокурор шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга даъво билан мурожаат қилишга ваколатли. Процессуал қонунчиликнинг 26-моддасига асосан, маъмурий жараён иштирокчиси сифатида даъвогар, жавобгар, манфаатдор шахс билан бир қаторда прокурор ҳам эътироф этилади.

Қозоғистон Республикаси маъмурий судларида иш кўрилаётганида **суд ўз ташаббуси** билан прокурорни ишга жалб этишга ҳақли ҳисобланади. Мисол учун, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган шахснинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари томонидан ҳимоя қилинади, аммо маъмурий ишларга вояга етмаганнинг ўзи, муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсни ва прокурорни жалб қилади (МПК 27-модда 5-қисми).

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари судда уларнинг қонуний вакиллари, **прокурорлар** томонидан ҳимоя қилинади⁸⁶.

⁸⁵ Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (В оглавление внесены изменения в соответствии с [Законом РК от 02.01.21 г. № 399-VI](#)), <https://online.zakon.kz/>

⁸⁶ Ўша манба.

Демак, қонуний вакиллар - ўн тўрт ёшга тўлмаган, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар манфаатини, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг манфаатларини судда ҳимоя қилиши билан **бир қаторда прокурорлар** ҳам ушбу шахслар манфаатларини ҳимоя қилиши ижобий амалиёт бўлиб, миллий қонунчилигимиз билан қиёслаганимизда бу тоифадаги шахсларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилар, ҳомийлар, тарбияловчи, даволовчи ёки шунга ўхшаш муассасалар маъмурияти томонидан ҳимоя қилинади.

Амалиётчи ходимлар ўртасида прокурорлар вояга етмаган шахсларни ҳимоя қилиш масаласи МСИЮтКнинг 36-моддасида кўрсатилмаган бўлсада, суд ўз ташаббуси билан прокурорни ишга жалб этиши ва бу тоифадаги ишлар судда кам кўрилиши ҳақида баҳс-мунозаралар мавжуд. Бу фикрлар биров баҳсли бўлиб, суд ҳар доим ҳам ўз ташаббуси билан ишга прокурорларни жалб қилмаслиги мумкин. Бунга турли хил омиллар сабаб бўлади. Юқоридаги шахслар билан боғлиқ ишлар судда кўрилишида давлат бошқарув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан **“босим”** ўтказилиши табиий ҳол.

Шунга кўра, назаримизда миллий қонунчиликка Қозоғистон тажрибасини имплементация қилиш ижобий таъсирини кўрсатади.

Шунингдек, **РФ, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикасида** апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш жараёнида прокурорнинг процессуал мақоми деярли миллий қонунчилик билан яқин бўлиб, фақатгина миллий қонунчиликда назорат инстанцияси мавжуд эмас.

Канада давлати давлат бошқарув жиҳатидан федерация мақомига эга бўлиб, ҳудуд провенциялардан иборат. Канада маъмурий юстиция тизими ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Канадада суд томонидан маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар федерал, вилоятлар ва ҳудудлар

қонунчилиги асосида тартибга солинади. Умумий қоида бўйича мансабдор шахснинг ёки иш бўйича тарафнинг илтимоси тақдим этилганидан сўнг суд қонунда кўрсатилган ваколат доирасида ишни кўриб чиқиши мумкин⁸⁷.

Канада судлари томонидан низо судда кўриб чиқилиши жараёнида прокурор судга мурожаат қилиши ва ишда иштирок этиб далилларни текширишда қатнашиши мумкин. Бунинг учун провинция қонунларида алоҳида нормалар қайд этилган.

Жумладан, Канада **“Олий суди тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддаси 1-қисми “а” ва “б” бандларига асосан губернатор Конституциявий ҳужжатларни талқин қилиш билан боғлиқ муҳим ҳуқуқий ёки фактик масалалар, норматив ҳужжатларни Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, федерал ёки вилоят қонунларини талқин қилиш юзасидан келиб чиқадиган ишлар бўйича Канада Олий судига мурожаат қилиши мумкин⁸⁸.**

Агар низо Конституция нормаларига ёки бирон бир норматив ҳуқуқий ҳужжат билан боғлиқ бўлса, Канада провинцияларининг ёки ҳукумат манфаатларига алоқадор бўлса прокурорга хабар қилиниши керак (“Олий суд тўғрисида”ги Қонун 53-моддаси 5-қисми).

Канада давлатида бир қанча провинциялар мавжуд бўлиб, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни тартибга солувчи провинцияларнинг алоҳида қонунчиликлари мавжуд.

Квебек провинциясининг 1965 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексининг 76-моддасига асосан ҳар қандай фуқаролик, маъмурий ишларда Квебек парламенти ёки Канада парламенти томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар ёки ҳукумат ёхуд вазирликнинг

⁸⁷ Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е.Кутафина (МГЮА). – М., 2017. С. 128-129

⁸⁸Supreme Court Act of Canada of 1985 // <<http://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/S-26/FullText.html>>; <<http://laws-lois.justice.gc.ca/PDF/S-26.pdf>>.

ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ҳужжатларининг қўлланилиши Конституция ёки қонунларга мослиги, уларнинг шундай хатти-ҳаракатлари ҳақидаги шикоятлари юзасидан Квебек провинцияси прокурорига хабар берилиши лозим.

Қонунчиликка асосан Олий суд низо юзасидан Квебек парламенти ёки Канада парламенти ёхуд ҳукумат томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ваколатига эга⁸⁹.

Нью-Брунсуик провинциясининг “Суд тизимининг тузилиши тўғрисида”ги Қонунига (1973 йилда қабул қилинган) мувофиқ, провинция судига Канада Бош прокурори ёки провинция Бош прокурори қонун чиқарувчи томонидан қабул қилинган қонун ёки унинг айрим нормаларини ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиққан низолар юзасидан судга даъво ариза билан мурожаат қилади⁹⁰.

Демак, Канада маъмурий қонунчилигини миллий қонунчилик билан қиёслаганда, айрим жиҳатларига тўхталиш лозим. Масалан, миллий қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг барча маъмурий судларига ушбу судларга тааллуқли ишлар юзасидан ариза тақдим этишга ҳақли.

Канада қонунчилигига мувофиқ эса фақатгина низо Конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларининг қўлланилиши билан боғлиқ бўлса Канада Бош прокурори ёки провинция Бош прокурорлари мурожаат қилиши мумкин.

Америка Қўшма Штатлари (кейинги ўринларда АҚШ деб юритилади) суд тизими англосаксон ҳуқуқ тизимига тааллуқли бўлиб, англосаксон ҳуқуқий оиласига тегишли давлатларнинг кўпчилигида кенг доирадаги низоларда мажбурий судгача тартибда **маъмурий юстиция**

⁸⁹ Ўша манба

⁹⁰ Judicature Act of New Brunswick of 1973 // <<https://www.canlii.org/en/nb/laws/stat/rsnb-1973-c-j-2/latest/rsnb-1973-c-j-2.html>>.

органларига мурожаат қилиш принципи амал қилади. Фақатгина ваколатли квази суд органларида кўрилган ишларгина умумий судларда кўриб чиқиш учун қўзғатилиши мумкин⁹¹.

Маъмурий юстициянинг англосаксон тизими афзалликлари сифатида мослашувчанликни, норасмийликни, квази суд органлари ходимларининг юқори даражада малака ва тажрибага эгаллиги туфайли ишларни тез ҳал қилинишини алоҳида қайд этса бўлади. Камчилик сифатида уларнинг қонунда белгиланган, аниқ ваколатларида кўрсатилган предмет бўйича иш кўрадиган махсус ташкилотлар эканлиги, шунга мос равишда, ҳар бир шундай орган барча тоифадаги маъмурий ишларни кўриб чиқмасдан, фақатгина уларга бевосита тегишли ишларни кўриб чиқишини эътироф этса бўлади.

АҚШ судларига бевосита процесс иштирокчилари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга хилофлиги (ноқонунийлиги) тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ҳамда судга ўз ташаббуси билан амалдаги қонунчиликнинг Конституцияга мослигини аниқлаш ҳуқуқи берилган (бундай амалиёт АҚШнинг кўпгина штатлар қонунчилигида мавжуд)⁹².

АҚШ маъмурий юстициясининг асосий жиҳатларидан бири бу унинг ягона, умумдавлат суд тизими мавжуд эмаслигидир. Шунинг учун ҳар бир штатда ўзининг суд тизими ва шу билан биргаликда федерал суд тизими фаолият кўрсатади. Шу ўринда шуни қайд этиш керакки, штатлар судлари ҳеч бир жиҳатдан федерал судларга бўйсунмайди ва улар олдида ҳисобдор эмас.

АҚШда маъмурий судлар билан кўриб чиқиладиган махсус

⁹¹ Зеленцов А.Б. Учебно-методический комплекс и методические рекомендации по изучению курса «Административная юстиция». – М.: Изд. РУДН, 2011. – С. 51; Усанов В.Е. Проблемы формирования административной юстиции в Российской Федерации // . <http://pravogizn.h1.ru/KSNews/PIG_141.htm>

⁹² Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е.Кутафина (МГЮА). – М., 2017. С. 134-135

маъмурий судлов тартиби мавжуд эмас⁹³. “Маъмурий юстиция” атамаси орқали АҚШ амалиётидан келиб чиқиб, **ижро ҳокимияти фаолиятидан келиб чиқадиган** низоларни ҳал қилиш билан шуғулланувчи барча квази судлов органлари ва мансабдор шахсларни тушунишади. Деярли барча ижро ҳокимияти органлари қайсидир даражада квази судлов функцияларини бажаради⁹⁴.

Таъкидлаш жоизки, анъанага кўра, маъмурий ҳуқуқ учта объектни тартибга солади: маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги; маъмурий квази судлов фаолияти; маъмурият устидан суд назорати⁹⁵.

АҚШда тарихан федерал судлар (округ, апелляция, махсус судлар) ва штатлар судлари тизими шаклланган. Федерал судлар тизимининг юқори чўққисиди АҚШ Олий суди туради⁹⁶. Маъмурий судлар давлат ва маҳаллий маъмурий органлар қарорлари устидан келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш билан шуғулланадилар⁹⁷.

Маъмурий органларнинг қарорлари устидан маъмурий идора доирасида фаолият кўрсатувчи махсус **апелляция муассасаларига**, ундан кейин эса судга шикоят қилиши мумкин. Судлар одатда барча маъмурий инстанциялардан ўтган ишни қабул қиладилар ва кўриб чиқадилар (фуқаро томонидан берилган барча қонуний маъмурий ҳимоя воситалари тугаганида).

Суд тизимида АҚШ Олий судининг назорат функцияси алоҳида ўринга эга бўлиб, ҳуқуқшунос **Стивен Хаснинг фикрича**, АҚШ Конституциясида тўғридан-тўғри судлар қонун устуворлигини назорат

⁹³ Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М.: Инфра-М-НОРМА, 2001. – С. 195.

⁹⁴ Лафитский В.И. Административная юстиция в США // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. – 2003. – № 1. – С. 178.

⁹⁵ Богдановская И.Ю., Данилов С.Ю., Зеленцов А.Б. и др. Административное право зарубежных стран. Учебник / под ред.: Козырина А.Н., Штатина М.А. – М.: Спарк, 2003. – С. 362.

⁹⁶ Малько А. В. Сравнительное правоведение / А. В. Малько, А. Ю. Саломатин М.: Норма: ИНФРА-М, 2011, 129-130 с.

⁹⁷ Zimmer M. B. Overview of Specialized Courts / M. B. Zimmer. // International Journal for Court Administration. 2009 (August). Vol. 2. No 1. P. 12. URL: <http://www.iaca.ws/files/LWB-SpecializedCourts.pdf>

қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилмаган бўлсада, аммо бу принцип АҚШ Олий суди томонидан ишлаб чиқилган⁹⁸.

АҚШ қонунлар тўпламининг 28-титули 2403-параграфига мувофиқ, суд АҚШ **Бош прокурорини ёки тегишли штат бош прокурорини** норматив ҳуқуқий ҳужжат низолашилаётганлиги факти ҳақида хабардор қилишга мажбур.

Низонинг яқуний қарорига биноан, агар суд янада узайтирилган муддатни белгиламаган бўлса, тегишли Бош прокурор хабарнома юборилган пайтдан бошлаб ёки норматив ҳуқуқий ҳужжат низолашилаётганлиги факти ҳақида хабар берилганидан кейин **60 кун** ичида ишга киришишга ваколатли ҳисобланади.

Юқорида келтирилган Бош прокурорнинг ишга киришиш муддати тугашига қадар суд илтимосномани кўриб чиқишни рад этиши мумкин, лекин Конституцияга зид норматив ҳуқуқий ҳужжат масаласи бўйича яқуний қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, АҚШ ҳуқуқ тизими миллий ҳуқуқ тизимидан жиддий фарқ қилсада, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан суд ишини юритишда **прокурор иштирокини** кузатиш мумкин.

Германия Федератив Республикасида маъмурий низоларни судда кўриш амалиёти бошқа давлатларга нисбатан юқори самарадорликка эга бўлиб, фуқароларни маъмурий низолар бўйича судга шикоят қилиш ҳуқуқи конституциявий кафолат ҳисобланади. Германия Конституциясининг⁹⁹ 1-моддасига асосан, ҳар қандай маъмурий акт, унинг (мажбурий) ижроси, шунингдек, баъзи ҳолларда қонуности ҳужжатлар устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, мазкур Конституциянинг

⁹⁸ Haas S. Judicial Review / National Juris University (National Paralegal College) // <<https://nationalparalegal.edu/JudicialReview.aspx?AspxAutoDetectCookieSupport=1>>.

⁹⁹ Дилмурод Артиков, Ботиржон Қосимов. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция // илмий рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. 5-бет.

19-моддасида ҳам давлат бошқарув ваколатига эга бўлган органлар томонидан ўзининг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобловчи шахсларнинг судга муурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мазкур норма хусусий норма бўлиб конституциявий қафолат сифатида айнан маъмурий низолар устидан судга шикоят қилишни ўзида мустаҳкамлаб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹⁰⁰нинг 44-моддасида ҳам ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади. Бизнинг қонунчилигимиздаги мазкур норма умумий ҳарактерга эгаллиги билан Германия Конституциясидаги нормадан фарқланиб туради.

Маъмурий ишларни судда кўришнинг принциплари ҳам Германияда ўзига хосдир. Германия маъмурий судлари тўғрисидаги қонуни (Verwaltungsgerichtsordnung¹⁰¹)га мувофиқ принциплар қаторига қуйидагилар келтирилади: диспозитивлик (Dispositionsgrundsatz), ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиш (Untersuchungsgrundsatz), далилларни эркин баҳолаш (Grundsatz der freien Beweiswürdigung), ишларни суднинг расмий фаолияти доирасида олиб бориш ва ишга диққатлилиқ (Amtsbetriebs- und Konzentrationsgrundsatz), тингланиш ҳуқуқи (Grundsatz des rechtlichen Gehörs), оғзаки муҳокама, бевоситалилик, ошкоралик (Mündlichkeit — Unmittelbarkeit — Öffentlichkeit), шунингдек одил судлов принциплари¹⁰². Эътиборли жиҳати, Германия маъмурий процессуал қонунчилигида принципларнинг ҳаммаси ҳам алоҳида нормада келтирилмаган, уларни процессуал қонунчилик таҳлили давомида аниқласа

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

¹⁰¹ Текст Закона об административном производстве на немецком языке: <http://www.gesetze-iminternet.de/vwvfg/>

¹⁰² Юрген Кипп. Ведение процесса судьей в административном судопроизводстве (Handling of proceedings by the judge in the administrative court procedure) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 273-279 с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

бўлади¹⁰³. Юқоридаги принциплардан кўринади, немис маъмурий судлари биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг суддаги ҳимоясини назарда тутди.

Бугунги кунда Германия маъмурий судлари тизими учта инстанциядан ташкил топган, яъни 52 та ўлкаларнинг маъмурий суди(Verwaltungsgerichte) биринчи инстанция судлари ҳисобланиб, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан фуқаролар томонидан берилган ҳар қандай шикоятларни кўриб чиқади; 14 та юқори маъмурий суд (Oberverwaltungsgerichte) иккинчи инстанция ҳисобланиб, суд низоларини баъзи бир ҳолларда биринчи инстанция сифатида кўриб чиқиб ҳал қилиш билан бирга қуйи маъмурий судларнинг қарорларига нисбатан апелляция инстанция суди ҳисобланади; маъмурий ишлар бўйича Олий суд вазифасини (охирги инстанция) Лейпциг шаҳрида жойлашган Федерал маъмурий суди(Bundesverwaltungsgericht) бажариб, унинг ваколоти асосан юқори маъмурий судларнинг қарорларини текшириш(ревизия)дан иборат¹⁰⁴.

Германия ва Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд тизимларини қиёсий ўрганганда Германия маъмурий судлари нафақат қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар, балки умумюрисдикция судларининг **Олий суд** ҳокимиятидан ҳам мустақилдир. Бунинг асосий сабаби маъмурий низолар бўйича охирги инстанция суди сифатида Федерал маъмурий суди (Bundesverwaltungsgericht)нинг мавжудлигидир. Ўзбекистонда эса қуйи ва ўрта бўғин маъмурий судлари умумюрисдикция судларидан ажратилган бўлсада, маъмурий низоларни кассация инстанциясида кўриш Олий суд таркибига кирувчи **Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати** томонидан амалга оширилади.

¹⁰³ Grunsky. Grundlagen des Verfahrensrechts. S. 16.

¹⁰⁴ Йорг Пуделька. Виды иска в административном судопроизводстве на примере Германии (The different types of action in administrative court proceedings — the German example) // Ежегодник публичного права 2015 : Административный процесс. — М. : Инфотропик Медиа, 2015. — 206-217 с. — ISBN 978-5-9998-0220-0.

Германия қонунчилигига кўра, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган фуқароларнинг судга мурожаат қилишдаги талаби ҳам Ўзбекистон қонунчилигидан бирмунча фарқлидир. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекс талаблари доирасида фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, шунингдек маъмурий орган қарорлари ёки ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш талаби билан чиқа олади.

Маъмурий ишларни судда кўришда исботлаш мажбуриятининг амалга ошириш шакли ҳам **ҳар иккала давлатда** турличадир. “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекснинг 67-моддаси 2-қисмига кўра маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.

Германия тажрибасида эса далилларни йиғиш ва уларга баҳо беришда суднинг **роли** катта ҳисобланади. Шунингдек, процесс иштирокчилари ҳам далилларни тўплаш ва тадқиқ қилишда судга ёрдам беришлари кераклиги ҳақида норма ўрнатилган бўлиб, исботлаш мажбурияти доираси аниқ ва кенг қилиб белгиланган. Хусусан, мажбурият юклаш тўғрисидаги ишларда: маъмурий акт чиқаришни рад қилишга асос бўлган ҳолатларни исботлашга жавобгар;

маъмурий акт қабул қилинишини асослашда: бундан манфаатдор бўлган аризачи;

мажбурият юклаш ҳақидаги ишларда: муайян ҳаракатни (ҳаракатсизлик) бажариш рад этилганда жавобгар, ўзининг манфаати учун керак бўлган ҳолларда эса аризачи;

тан олиш ҳақидаги ишларда: бирон-бир ҳуқуқий муносабат борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги далилларни аризачи, маъмурий актни ҳақиқий эмаслигини инкор қилишда эса жавобгар исботлашга мажбур ҳисобланади. Германия тажрибасининг яна бир ўзига хослиги шундаки, суд маъмурий акт, қарор, маъмурий органнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизилигининг мақсадга мувофиқлиги эмас, балки фақатгина қонунга мувофиқлигини ўрганади¹⁰⁵.

Бевосита Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўриш амалиёти бўйича хорижий давлатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, **Грузия Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 22-моддаси¹⁰⁶га кўра**, аризачига маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишига руҳсат берилади.

Шунингдек, маъмурий ҳужжат ёки унинг бир қисми даъвогарнинг **қонуний ҳуқуқлари ёки манфаатларига бевосита ва тўғридан-тўғри (шахсий) зарар** етказса ёки унинг ҳуқуқларини қонунга хилоф равишда **чекласа**, даъво очишга йўл қўйилади. Мазкур норма миллий қонунчилигимизга яқин ҳисобланиб, МСИЮтКнинг 185-моддаси талаблари билан бевосита ўхшаш ҳисобланади.

Шунингдек, Грузия қонунчилигига кўра, даъво тегишли равишда маъмурий-ҳуқуқий ҳужжат билан танишиб чиққанидан кейин, судга мурожаат қилиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин **бир ой** ичида берилиши керак. Маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилинган тақдирда шикоят бўйича қарор чиққандан, шунингдек норматив актда эса - бевосита зарар етказилганидан кейин **3 ой** ичида судга мурожаат қилиш мумкин.

Бундан ташқари Грузия қонунчилиги бўйича маъмурий-ҳуқуқий

¹⁰⁵Die Verwaltungsgerichtsbarkeit / Bundesverwaltungsgericht // <<http://www.bverwg.de/bundesverwaltungsgericht/rechtsprechung/verwaltungsgerichtsbarkeit.php>>.

¹⁰⁶ Административно-процессуальный кодекс Грузии, Контрольный текст по состоянию на 11.05.2022N1568.

хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатилган тақдирда **қарши даъво қўзғатишга** йўл қўйилмайди. Мазкур норма ҳам **манфаатдор шахс ҳуқуқларини** таъминлашда юқори аҳамият касб этади. **Грузия Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 23-моддасига асосан**, маъмурий-ҳуқуқий **хужжат бериш талаби** билан ҳам даъво қўзғатишга йўл қўйилади. Бунда маъмурий органнинг маъмурий-ҳуқуқий хужжатни чиқаришни рад этиши даъвогарнинг мазкур талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради. Даъво маъмурий хужжат беришни рад этиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб **бир ой муддатда** судга берилиши лозим. Мазкур амалиёт ижобий аҳамият касб этиб уни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш чораларини кўриш лозим.

Шунингдек, **Грузия Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 32-моддасига асосан**, агар маъмурий-ҳуқуқий хужжат ёки унинг бир қисми қонунга хилоф бўлса ва даъвогарнинг қонуний ҳуқуқи ёки манфаатларига бевосита (шахсий) зарар етказса ёхуд унинг ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чекласа, суд маъмурий-ҳуқуқий хужжатни ўз кучини ёқотган деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади. Кодекснинг 33-моддасига асосан, маъмурий-ҳуқуқий хужжатни чиқаришни рад этиш ғайриқонуний бўлса ёки уни чиқариш муддати бузилган бўлса ва бу даъвогарнинг **қонуний ҳуқуқ ёки манфаатларига** бевосита зарар етказса, суд даъвони қаноатлантиради ва маъмурий органга маъмурий-ҳуқуқий хужжат чиқариш мажбуриятини юклайди, шу билан бирга суд тарафнинг илтимосига биноан **маъмурий-ҳуқуқий хужжатни** чиқариш муддатини белгилайди.

Хулоса ўрнида, маъмурий судларда низоларни кўриб чиқиш ҳар бир давлатда ўзининг миллий-ҳуқуқий тизимидан келиб чиқиб белгиланган.

3.2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари,
ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича ишларни кўриб чиқишда мавжуд
муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Биргина, маъмурий судлар ташкил этилиши ва ислоҳ қилиб борилиши натижасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан боғлиқ муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизми яратилди.

Мазкур ислоҳотлар натижаси ўлароқ, 2020 йилда маъмурий судларда 15 066 та маъмурий ишлар ҳал қилинган бўлса, ўтган 2021 йилда маъмурий судлар томонидан 15 146 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал этилган. Мазкур рақамлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда республикаимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низолар ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳаракатлари (*ҳаракатсизлиги*) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг салмоғи юқори ҳисобланади.

Шунингдек, 2020 йилда судлар томонидан кўриб ҳал этилган маъмурий ишларнинг 8 452 таси, 2021 йилда кўрилган ишларнинг эса 9 236 таси маъмурий органларнинг қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ташкил этган¹⁰⁷.

Ўтган йилда кўриб ҳал этилган 9 236 та маъмурий органларнинг

¹⁰⁷www.my.sud.uz

қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг 5 609 таси ер ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кўчмас мулк ажратиб бериш билан боғлиқ ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар ҳисобланади. Мазкур статистик маълумотлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ҳокимликлар томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланмаяпти. Натижада ҳуқуқи бузилган шахслар ҳоким томонидан қабул қилинган қарорлар ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар устидан суд тартибида шикоят қилмоқдалар.

Бироқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари, яъни ҳокимларнинг қонунчиликка зид бўлган қарорларини судгача бекор қилиш йўллари қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” 1993 йил 2 сентябрдаги Қонун¹⁰⁸ининг 24-моддасига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларидан бири сифатида ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш ҳуқуқи келтириб ўтилган. Мазкур нормадан келиб чиқиб туман, шаҳар ҳокимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлган қарорлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари томонидан, вилоят ҳокимининг ғайриқонуний қарорлари эса халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, бекор қилиниши мумкин. Шунга қарамаддан, ҳоким қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини ўзининг бу ваколатидан самарали фойдаланмоқда деб айтиш қийин, чунки ҳудудлардаги мазкур Кенгашларга ҳокимларнинг ўзлари раҳбарлик қиладилар. Бундай ҳолатда ҳокимнинг қонунчиликка зид бўлган қарорларини Кенгашлар томонидан

¹⁰⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 29.12.2021 й., 03/21/740/1209-сон; 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон

бекор қилиш инситутини амалиётда қўллаш деярли имконсиз. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси 1-қисмидаги **Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради деган жумладан “Вакиллик”** сўзини чиқариб ташлаш зарур ҳисобланади. Шунга кўра, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Қонун¹⁰⁹ининг 1-моддасига ҳам тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари жамоатчилик асосида фаолият олиб борадилар ҳамда уларнинг аксарияти ижро тизимига кирувчи ташкилот ва муассасаларда хизмат қиладилар. Мазкур ҳолат ҳам депутатларнинг ижро тизими билан узвий боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бундан ҳолат парламент назорати инситутидан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг фойдаланишини чеклаб қўймоқда. Агар ушбу инситут қуйи бўғинларда самарали ишласа, ҳокимларнинг фаолияти доимий назоратда бўлса, уларнинг қонунчиликка зид бўлган қарорлар қабул қилинишининг олди олиниши мумкин.

Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 25-моддасига асосан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бирок, 1993-йилда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Қонунда юқори турувчи ҳокимларнинг қуйи турувчи ҳокимлар фаолияти устидан назорат қилиш тартиби ва маъмурий юстиция амалга оширишнинг аниқ механизмлари

¹⁰⁹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 29.12.2021 й., 03/21/740/1209-сон; 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон

мавжуд эмас.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунларга зид бўлган қарорлари ва ҳаракат(ҳаракатсизликлари)га нисбатан муносабат билдириш назорат қилувчи органлар ваколатларига тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹¹⁰нинг 118-моддасига кўра, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 2001 йил 29 августдаги Қонун¹¹¹ининг 38-моддасига кўра, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурор протестни шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Шунингдек, мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Шунга асосан, прокурорларнинг ҳокимнинг ғайриқонуний ҳамда фуқаролар, юридик шахслар ва давлат манфаатларига зид бўлган қарорларига нисбатан ушбу қарорларни бекор қилишни талаб қилиб протест келтириш ваколати мавжуд. Хусусан, 2019 йилда прокурорлар томонидан ғайриқонуний ҳоким қарорларига нисбатан **1263** та протестлар келтирилган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич **4176** тага етган.

Бироқ, ҳозирда прокурорлар ҳокимларнинг ғайриқонуний қарорларига нисбатан **протест келтириш амалиёти ўрнига** судларга ариза билан мурожаат қилишни ва қонунийликни таъминлашни маъмурий судларга ҳавола қилмоқдалар. Бунга асосий сабаб прокурорларнинг сектор билан боғлиқ функциялари тобора кенгайиб, аста-секинлик билан уларга ижро органи вазифалари юкланаётганлигини ҳисобга олсак, мазкур ҳолат прокуратуранинг ижро ҳокимиятидан мустақил ҳаракат қилишига

¹¹⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон)

¹¹¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

тўсқинлик қилмоқда. Оқибатда ҳокимликларнинг қарорларига нисбатан прокурор томонидан протест келтириш ўзининг **реал самарасини** бермаяпти. Шунга кўра, прокурорларнинг сектордаги фаолиятини босқичма-босқич тугатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ҳудудларда ижро ҳокимияти тўлиқ ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳудударни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида прокурорлар 2-сектор фаолиятига раҳбар этиб белгиланган эди. Бироқ, ҳозирда секторлар фаолияти тизимли йўлга қўйилганлигидан келиб чиқиб, ҳар бир сектор фаолиятига ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарларини раҳбар этиб тайинлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунда прокурорлар ўзларининг асосий вазифаси қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашда янада самарали фаолият олиб борадилар.

Мазкур таклиф ишланиши доирасида тадқиқот иши бўйича ўтказилган сўровномада прокурор ходимлар фикри олинган. Унга кўра, ходимларнинг **72,7** фоизи **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига прокурор томонидан протест келтириш орқали маъмурий низони ҳал этиш тўғри деб ҳисоблашган.**

Бундан ташқари, айрим ҳолларда **прокурор протести** асосида қабул қилинган қонуний ҳоким қарорлари маъмурий суд орқали ҳақиқий эмас топилмоқда.

Мисол учун, **Тошкент шаҳар ҳокимининг** 31.12.2020 йилдаги **1255-сонли** қарори билан “ҳокимнинг 24.06.2018 йилдаги “Iceberg group” МЧЖга шаҳарнинг Бобур кўчасидаги уй-жойларни бузиб, кўп қаватли турар жой бинолари қуриш учун **1,2 гектар** ер ажратиш ҳақида”ги қарори прокурор протестига асосан бекор қилинган бўлсада, ушбу ҳоким қарори жамиятнинг аризасига асосан **маъмурий суд томонидан** ҳақиқий эмас топилган.

Ваҳоланки, жамият томонидан **3,5 йил** давомида ҳоким қарори билан

унга юклатилган мажбурият ва компенсация шартлари бажарилмаган, бу эса **88** та хонадонда яшовчи **500** нафардан ортиқ аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлган.

Шу сабабли, суд қарорлари **Бош прокуратура** протестига асосан Олий суднинг **24.03.2022** йилдаги қарори билан бекор қилиниб, фуқароларнинг уй-жойлари ўзларининг эгалигида қолдирилган.

Шунингдек, **Дўстлик туман ҳокимининг** 23.04.2021 йилдаги **292-сонли** қарори билан “ҳокимнинг 29.10.2020 йилдаги собиқ ДСИ биносини “Маҳалла” жамғармасига бериш ҳақида”ги қарори прокурор протестига асосан бекор қилинган бўлсада, Олий суднинг **13.10.2021** йилдаги қарори билан ҳақиқий эмас топилган.

Бироқ, ушбу давлат мулки жиноий йўл билан ўзлаштирилганлиги ҳамда бинонинг бир қисмини бошқа фуқароларга ўтказиш ҳақидаги битимлар фуқаролик судининг 12.07.2021 йилдаги қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли, **Олий суднинг қарори** Бош прокуратура протестига асосан **бекор қилинган**.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг 24.12.2020 йилдаги **805-Қ-сонли** қарори билан “ҳокимнинг 06.01.2017 йилдаги “Rudakiy qurilish” хусусий корхонасига 1 736 кв. метр ер майдонида 5 қаватли турар-жой қуришга рухсат бериш ҳақида”ги ноқонуний қарори прокурор протестига асосан бекор қилинган бўлсада, Олий суднинг **08.09.2021** йилдаги қарори билан **ҳақиқий эмас топилган**.

Шу билан бирга, Олий суднинг шу кундаги қарори билан Самарқанд шаҳар ҳокимининг **29.10.2020** йилдаги “таркибида маҳалла маркази бўлган 5 қаватли турар-жойни тайёр ҳолда топшириш шарти билан “Ozodbek uy-joy qurilish” хусусий корхонасига **600 кв.** метр бўш ер майдонини ажратиш ва қуришга рухсат бериш ҳақида”ги **668-Қ-сонли** қарори ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши оқибатида, жамият томонидан тўрт қавати қуриб битказилган объект эндиликда “**ноқонуний**” қурилмага айланган.

Бош прокуратура томонидан Олий суднинг юқоридаги қарорларига нисбатан етарли асослар билан ишни такроран кўриш ҳақида **протест келтирилган бўлишига** қарамасдан, **09.12.2021** йилда **протест** рад этилган.

Оқибатда, давлат-хусусий шерикчилик асосида турар-жой қурган **“Ozodbek uy-joy qurilish”** хусусий корхонаси турли давлат идоралари ҳамда ижтимоий тармоқларга ҳақли этирозлар билан мурожаат қилиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, прокурорнинг протести асосида ғайриқонуний ҳоким қарорлари бекор қилинган ҳолатда, судлар томонидан адолатли қарорлар қабул қилинганда манфаатдор шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари **этароқ тикланган** ҳамда **уларнинг суд эшиклари олдида сарсон бўлишларининг олди олинган бўлар** эди. Чунки Олий судда адолат тиклангунга қадар ҳуқуқи бузилган шахслар кўплаб **моддий ва маънавий** зарар кўрадилар.

Сўнги йилларда прокуратура органлари билан биргаликда адлия органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг назорат қилиш функциясидан етарли даражада фойдаланишини таъминлаш мақсадида қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли Қарор¹¹²и билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом 11-бандининг 6-кичик бандига кўра, **Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмалари** вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, **махаллий давлат ҳокимияти органлари** ва бошқа ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган қонунчиликка мувофиқ бўлмаган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни** бекор

¹¹² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон; 29.01.2022 й., 06/22/61/0084-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон

қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида **тақдимномалар киритиш** ваколатига эга ҳисобланадилар.

Бироқ, худди шу Низомнинг 10-бандининг 1-кичик бандига кўра, адлия вазирлигининг жойлардаги тузилмалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **норматив-ҳуқуқий** тусдаги қарорларини қонунчилик ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан **ҳуқуқий экспертизадан ўтказди**. Шу билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан **назоратни** ҳам амалга оширади. Юқоридаги нормалардан кўриниб турибдики, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **норматив-ҳуқуқий** тусдаги қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳам худди шундай қонунчиликка зид бўлган норматив-ҳуқуқий қарорларга нисбатан тақдимнома киритиш ваколати ҳам Адлия вазирлигининг қўйи бўғинлари томонидан амалга оширилмоқда. Бироқ, мазкур ҳолатда асосий муаммо пайдо бўлади. Ҳокимларнинг **норматив-ҳуқуқий** қарорларини экспертизадан ўтказишдан мақсад: ушбу қарорларни қонунчилик ҳужжатларига зид келиб қолишини олдини олишдир. Шундай бўлса, адлия муассасаларининг **маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий аҳамиятга эга қарорларига нисбатан қарорлар** қонунчиликка мувофиқ бўлмаганлиги сабабли бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида **тақдимномалар киритиши қандай аҳамиятга эга**. Бу амалиёт адлия муассасалари томонидан ҳуқуқий экспертиза нотўғри ўтказилаётганлиги ёки умуман ўтказилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Агар адлия муассасалари томонидан ҳокимларнинг норматив аҳамиятга эга бўлмаган қарорларига нисбатан уларни бекор қилиш тўғрисида тақдимномалар киритилаётган бўлса, судлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари билан боғлиқ маъмурий ишларнинг салмоғидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур тақдимномалар ўз самарасини бермоқда деб айтиш қийин.

Юқоридагиларга кўра, **прокурор протести ҳамда жойлардаги адлия муассасалари тақдимномаларини** самарали ишлаш механизмларини таъминлаш фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда муҳим ўрин тутади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари ҳамда ҳаракат(ҳаракатсизлик)и юзасидан низолашиш тўғрисидаги масала судгача бўлган босқичдан ташқари, мазкур тоифадаги низони судда ҳал этишда ҳам муаммолар мавжуд.

Маъмурий судларда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни **кўриш ва суд қарорлари ижросини таъминлашда** айрим муаммолар ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Жумладан, мазкур тоифадаги ишлар бўйича **суд қарорлари ижросини таъминлашда**, суд назорати деярли ўрнатилмаган, ҳатто суд қарори бўйича ижро варақа бериш амалиёти ҳам мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги **ПФ-6243-сонли Фармон**¹¹³и билан туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш,

¹¹³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон; 24.03.2022 й., 06/22/91/0233-сон.

ўзгартириш, бекор қилишга оид ваколатлари тугатилган. Мазкур фармон қабул қилиниши билан туман, шаҳар ҳокимларида суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилган ўзининг қарорини бекор қилиш ваколати тугатилган Бундан келиб чиқадики, ҳозирда суд қарорлари ўз вақтида ва тўғри ижро этилаётганлиги мавҳум бўлиб қолмоқда.

Жумладан, ўтган йилда маъмурий судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилган **2 575** та ҳоким қарорларининг **723** таси бўйича ҳокимлик зиммасига қонун бузилиш ҳолатларини баратараф этиш бўйича мажбурият юклатилган бўлсада, **141** тасининг ижроси амалда таъминланмаган.

Бунинг натижасида **850 гектар** ер майдони амалда давлат захирасига ёки қонуний эгаларига қайтарилмасдан қолган¹¹⁴.

Чунки, қонунчиликда ҳокимлик томонидан суд қарорлари ижро этилмаган тақдирда, уни мажбурий ижро этиш механизми мавжуд эмас.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари орасида судларнинг маъмурий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ қарорларини ижро этиш назарда тутилмаган.

Мисол учун, Бухоро туманлараро маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан Когон шаҳар ҳокимининг 28.07.2001 йилдаги “У.Абдуллаевга 1,8 гектар ер ажратиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ҳақида”ги 35-23-208-Q/21-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилиб, ҳокимлик зиммасига прокурор протестини қонунда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган бўлсада, **Когон шаҳар ҳокими** юқоридаги Фармонга кўра суд қарорини ижро этиш имкони йўқлиги ҳақида **23.02.2022** йилда асоссиз жавоб хати тақдим этган¹¹⁵.

Шу сабабли, келгусида қонунчиликдаги ушбу бўшлиқларни ҳам

¹¹⁴ <http://www.prokuratura.uz>

¹¹⁵ **Бухоро** туманлараро маъмурий судининг Когон шаҳар ҳокимининг 35-23-208-Q/21-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори.

кайта кўриб чиқиш таклиф этилади.

Шунга кўра, маъмурий судларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришга янгича ёндашиш ва суд ҳужжатлари ижросига нисбатан суд назоратини кучайтириш лозим.

Хусусан, ҳоким қарорлари бўйича низолашилаётганда суд мазкур қарорни ғайриқонуний деб топиш ҳақида эмас, бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мақсадга мувофиқдир. Чунки суд ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топгандан сўнг, мазкур қарор ҳокимларнинг ўзи томонидан, албатта, бекор қилиниши шарт. Мазкур амалиётдан кўра, суднинг ўзи томонидан ҳоким қарорини бекор қилиш институтини жорий қилиш, суд ҳужжатини амалда ижро қилишни тўла таъминлайди.

Мазкур полемика бўйича **сўровнома орқали прокурор ходимларнинг** фикри ўргалилганда, уларнинг **70 фоизи** судлар томонидан ҳоким қарорларини бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш суд ҳужжатлари ижросини тўлиқ таъминлаш имконини беради деган **фикрдалиги маъулум бўлди**. Чунки мазкур ҳолатда судлар ўз қарорлари ижросини таъминлаш учун мажбурий ижро варақаси беришлари лозим бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарор¹¹⁶и қабул қилинди. Мазкур қарор билан маъмурий суд ишларини юритишда “суднинг фаол иштироки” таъминли, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи

¹¹⁶ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2021 й., 07/22/107/0083 –сон.

берилмоқда. Бирок, ҳокимнинг қарори бекор қилинмасдан туриб, мазкур қарор билан сабабий боғланишда бўлган зарарни ундиришни талаб қилиш мантиқан нотўғри ҳисобланади.

Шунга қарамасдан, мазкур ўзгартириш қонунчилигимизга киргунига қадар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларини ижро этишни “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун нормаларидан келиб чиқиб **вилоят ҳокимликлари ёки халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари** зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Фикримизча**, ҳозирда суд қарори ижросини таъминлашнинг бошқа иложи йўқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарори билан ҳуқуқи бузилган **фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига** оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Шу жиҳатдан мазкур тоифадаги низолар маъмурий судлар судловига тегишли эканлигидан келиб чиқиб МСИЮТКнинг 27-моддаси 1-қисмини қуйидаги талқиндаги “*оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бевосита сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш тўғрисидаги*” деган 8-банд билан тўлдириш таклиф этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг **36-моддаси 4-қисмига кўра**, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 2 - бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини

амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади.**

Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Бироқ, амалдаги МСИЮтК нормаларида Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш белгиланмаган. Бу ҳолат эса манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, МСИЮтКнинг 27-моддаси 1-қисмини қуйидаги талқиндаги *“Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва баён шаклидаги ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал этади”* деган 9-банд билан тўлдириш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида, юқоридаги қонунчиликка таклиф этилаётган ўзгартиришларни амалиётга жорий этиш орқали Маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари ҳамда ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и бўйича низолашиш тўғрисидаги маъмурий ишларни судларда кўриб ҳал этишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконияти вужудга келади.

Хулоса

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўришда прокурор иштирокини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот иши доирасида қуйидаги **назарий, амалий-ташкилий ва қонунчиликни** такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

I. Илмий-назарий хулосалар.

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

- **Оммавий-ҳуқуқий низо** - бу оммавий ҳуқуқ соҳалар(маъмурий, молия, бюджет, солиқ ва бошқалар)га тегишли бўлиб, иштирокчилари ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган, яъни бир томонда давлатнинг ваколат ва функцияларига эга субъект қатнашадиган моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашга қаратилган ва процессуал тартибда ҳал этиладиган конфликт(низо).

- **Маъмурий-ҳуқуқий низо** – маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти билан боғлиқ бўлган, бошқарув ваколатига эга бўлган шахснинг қарорлари ёки ҳаракатлар(ҳаракатсизликлар)и юзасидан маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида келиб чиққан конфликт(низо).

- **Маъмурий суд ишларини юритиш** - бу маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида келиб чиқадиган маъмурий органлар билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини маъмурий судда кўриш ва ҳал этишга қаратилган процессуал жараён.

- **Маъмурий органлар** - қонун ҳужжатларига асосан ташкил этиладиган маъмурий-ҳуқуқий фаолият билан шуғулланувчи бошқарув ва алоҳида хусусиятга эга бўлган тузилмалар, жумладан, фуқароларнинг

ўзини-ўзи бошқариш органлари, махсус комиссиялар.

- **Маъмурий иш** – судга низони мазмунан кўриб хал этиш учун тақдим этилган оммавий-ҳуқуқий низолар, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллар.

- **Маъмурий суд ишларини юритишда суднинг фаол иштироки** - фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд процессида далилларни тўплашда ҳамда ҳақиқатни аниқлашда суд томонидан бажариладиган ҳаракатлар ва воситалар йиғиндиси.

II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси 1-қисмидаги “Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради” деган жумладан **“Вакиллик”** сўзини чиқариб ташлаш таклиф этилади. Мазкур конституциявий ўзгаришдан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Қонуннинг 1-моддаси 2-қисмини ҳам қуйидаги *“Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг ижро ҳокимиятини амалга оширувчи мансабдор шахси ҳисобланади. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир”* деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда маъмурий суд ишларини юритишда **прокурор** иштирокига оид нормалар белгиланмаган. Шу жиҳатдан ушбу Қонуннинг 4-моддаси 1-қисми 6-хатбошисини *“прокурор жиноят ишлари кўриб чиқиляётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги*

ишларни, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳамда иқтисодий суд ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш фаолиятини амалга оширади;” деб ўзгартиш киритиш лозим.

3. Шунингдек прокурорнинг маъмурий ишда иштироки унинг алоҳида ҳуқуқий мақоми билан тавсифланади. Шу жиҳатдан МСИЮТКнинг 188-моддаси 1-қисмини қуйидагича ўзгартириш таклиф этилади. *“Маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги иш судда кўриляётганда устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёки устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган орган ёки мансабдор шахс ва прокурор мажбурий иштирок этади”*

4. МСИЮТКда прокурорларнинг суд харажатларидан озод этилганлиги кўрсатилмаганлиги амалиётда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, судга ариза киритишда **почта харажатлари** тўлашни судлар томонидан талаб қилиш мутлақо асоссиз ҳисобланади. Шу жиҳатдан МСИЮТКнинг 46-моддасини қуйидаги мазмундаги 10-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: *“Прокурор маъмурий суд ишларини юритиш бўйича барча инстанцияларда суд харажатларидан тўлиқ озод қилинади”*.

5. Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ҳам **судья ҳисобланиб**, уларга ҳам одил судловни амалга оширишга вазифаси юклатилган. Шу жиҳатдан **Олий суди раиси ва унинг ўринбосарларининг** ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида **протест келтириш** ваколатини бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, МСИЮТКнинг 248¹ -моддаси 1-қисмини қуйидагича талқин қилиш таклиф этилади *“Ушбу Кодекснинг 224-моддасида кўрсатилган шахслар ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза*

билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига муурожаат қилишга ҳақли”.

6. Юқоридаги ўзгартиришдан келиб чиқиб МСИЮтКнинг 17-моддасини қуйидаги қисм билан тўлдириш таклиф этилади: *“Иш кассация тартибида такроран кўрилаётганида Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари суд мажлисида раислик қилади”*.

7. Шунингдек, МСИЮтКнинг 186-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади: *“Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой давомида судга берилиши мумкин”*.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарори ижросидан келиб чиқиб, МСИЮтКнинг 187-модда **2-қисмининг биринчи ва иккинчи бандларини** чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда.

9. Суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида МСИЮтКнинг 276-моддаси 2-қисмини қуйидаги талқинда *“Суд ҳужжатининг мажбурий ижроси, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади”* ифодалаш зарур ҳисобланади.

10. Юқоридаги ўзгартиришдан келиб чиқиб “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси 1-қисми 1-бандини қуйидагича талқин қилиш таклиф этилади:

“Умумий юрисдикция судларининг, шунингдек маъмурий судларнинг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари уч йил мобайнида”

11. Фуқаролар ва юридик шахслар манфаатини оммавий-ҳуқуқий муносабатларда ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида МСИЮТКнинг 185-моддаси 1-қисмининг 1-хатбошисини қуйидаги талқинда ифодалаш таклиф этилади: *“Манфаатдор шахс маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ва маъмурий-ҳуқуқий ҳужжат бериш талаби асосида ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилиши мумкин.*

12. Шунингдек, маъмурий орган(ҳокимлар) қарорлари бўйича низолаштирилганда суд мазкур қарорни ғайриқонуний деб топиш ҳақида эмас, бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, МСИЮТКнинг 189-моддаси 2-қисмини қуйидагича талқин этиш таклиф этилади: *“Суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунчиликка зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини **бекор қилиш** ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади”.*

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 январдаги ПҚ-107-сонли Қарори билан ҳуқуқи бузилган **фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига** оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Шу жиҳатдан мазкур

тоифадаги низолар маъмурий судлар судловига тегишли эканлигидан келиб чиқиб МСИЮТКнинг 27-моддаси 1-қисмини қуйидаги талқиндаги *“Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо билан бевосита сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш тўғрисидаги”* деган 8-банд билан тўлдириш таклиф этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан *“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”*ги Қонуннинг 10-моддаси 1-қисмини қуйидаги талқинда *“Вилоят ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли”* ифодалаш таклиф этилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг **36-моддаси 4-қисмига кўра**, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 2 - бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Бироқ, амалдаги МСИЮТК нормаларида **Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш белгиланмаган.** Шунга кўра, МСИЮТКнинг 27-моддаси 1-қисмини қуйидаги талқиндаги *“Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва баён шаклидаги ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал этади”* деган 9-банд билан тўлдириш таклиф этилади.

16. Юқоридаги ўзгартириш асосида МСИЮТКнинг 30-моддаси

1-қисмини қуйидаги мазмундаги 1¹ -банди билан тўлдириш таклиф этилади: “*Вазирлар Маҳкамасининг ерга оид қарорлари ва баён шаклда ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги*”.

17. Суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу иш бўйича қарор бекор қилинган тақдирда, **қайта апелляция инстанция** кўришда иштирок этишини тақиқловчи қонун нормасига таклиф берилмоқда.

Масалан, фуқаро Ш.Ишанкуловнинг Қарши туман ҳокимининг 16.10.2020 йилдаги HQ-1603/10-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича аризаси Қарши туман маъмурий судида 24.12.2020 йилдаги ҳал қилув қарори билан **қаноатлантирилган**. Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 18.02.2021 йилдаги қарори билан суд қарори бекор қилиниб, **ариза рад қилинган** (иш кўришда иштирок этган судьялар **Б.Қиличов, Б.Нормуродов**).

Шу иш Олий суд кассация инстанциясида 01.06.2021 йилда кўриб чиқилиб, апелляция инстанцияси қарори бекор қилиниб, янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Қарши туманлараро маъмурий судининг 14.07.2021 йилдаги қарори билан **ариза яна қаноатлантирилган**. Ушбу ариза Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясида 07.09.2021 йилда кўрилиб, **ариза рад этилган** (иш кўришда иштирок этган судьялар **Б.Қиличов, Б.Нормуродов**). Шунга кўра, МСИЮтКнинг 20-моддасининг 3-қисмини “*апелляция инстанцияси*” деган сўзлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

18. МСИЮтКнинг 154-моддасига кўра, суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича **ҳал қилув қарорини** қабул қилади. Амалиётда апелляция ёки кассация инстанцияси судлари қарорини ҳам техник хатоларни тузатишга тўғри келмоқда. Бунинг тартиби ва ҳуқуқий асоси

МСИЮтКда белгиланмаган. Шунга кўра, МСИЮтКнинг 164-моддасининг 1-қисмидаги “*Хал қилув қарорини*” деган жулаларни “*Қарор*”ни деган жумлалар билан алмаштириш таклиф этилади.

19. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сонли Фармонига асосан, туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ер кодексининг 38-моддасини қуйидаги талқинда ифодалаш таклиф этилади: “Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини **огоҳлантиради.***

Огоҳлантириш муддати тугаши билан қонунбузилиши ҳолати бартараф қилинмаган ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилади.

Ер участкасини берган орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли”.

20. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод этилган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ташкилотлари рўйхати келтирилган. Ушбу қонуннинг 8 ва 9-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ

қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ **фуқаролик ва иқтисодий даъволар бўйича давлат божидан озод** қилинганлиги белгиланган. Бироқ, ҳозирги кунда амалиётда маъмурий судларда Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари судларга ариза киритишда давлат божидан озод эканлиги қонунда акс этмаган. Шунга қарамасдан жойларда ҳокимларнинг ноқонуний қарорлари билан бериб юборилган ер участкаларини давлат захирасига қайтариш бўйича Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари судларга аризалар киритмоқда. Шунга асосан, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдириш таклиф этилади: *“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари – ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ ишлар юзасидан”*.

III. Амалий-ташкилий вазифалар бўйича таклифлар:

Маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни судларда кўрилишида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларнинг мавжуд эканлигидан келиб чиқиб, мазкур тоифадаги ишлар бўйича Олий суд Пленуми қарорини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Бош прокуратура Академияси магистранти Ш.А.Иномовнинг “**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўришда прокурор иштироки**” мавзусидаги магистрлик иши юзасидан шакллантирилган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан прокурор ходимлари ўртасида ўтказилган

СЎРОВНОМА

Сўровнома саволларига жавоб олишдан асосий мақсад маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўриш ҳамда мазкур тоифадаги ишларда прокурор иштироки асосларини такомиллаштириш ҳамда тадқиқот натижасида олинган хулосаларни таҳлил қилишдан иборат.

Сўровнома муаллифи Сизлардан уни тўлдиришга жиддий ёндашишни илтимос қилади. Сиз томондан берилган маълумотлар ошкор этилмайди ва бошқа мақсадларда фойдаланилмайди.

Сўровнома тўлдирувчига тавсиялар:

1. Берилган саволларга жавоб беришдан олдин анкета билан тўлиқ танишиб чиқишни сўраймиз.

2. Бандларда жавоблар учун қолдирилган жойларга сўзлар билан ёки анкета санаб ўтилган ҳолатларнинг сизга дахлдорларини айланага олиб белгилашингизни сўраймиз.

3. Сўровнома аноним шаклда ўтказилади.

| | |
|----|--|
| 1. | Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда прокурор ҳуқуқий мақоми тўлиқ мустаҳкамланган деб ҳисоблайсизми? |
| а) | Ҳа, ҳисоблайман-30% |
| в) | Йўқ, ҳисобламайман-70% |
| 2. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан боғлиқ низоларни судда кўришда прокурор иштирокини қай даражада муҳим деб ҳисоблайсиз? |
| а) | муҳим, бир томонда фуқаро иккинчи томонда ҳокимият вакиллари мавжудлиги, шунингдек судларда энг кўп мазкур тоифадаги ишлар кўрилганлиги сабабли судларда прокурор иштироки зарур-90,9% |
| в) | муҳим эмас, фуқаролар ва юридик шахслар, жамият ва давлат манфаатларини бошқа идоралар ҳимоя қилиш лозим-0% |
| с) | жавоб беришга қийналаман-9,1% |

| | |
|----|--|
| 3. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига прокурор томонидан протест келтириш орқали масалани ҳал этиш тўғрими ёки маъмурий судларга ариза киритиш орқали масалани ҳал этган тўғри деб ҳисоблайсизми? |
| а) | Протест келтириш орқали ҳал этган маъқул, чунки барча қарорларни судда низолашиш учун етарли кадрлар захираси мавжуд эмас, шунингдек протест орқали бузилган ҳуқуқларни суд тартибидан эртароқ тиклаш имконияти мавжуд-72,7% |
| в) | Маъмурий судларда ҳал этган маъқулроқ, судда тарафларнинг тортишувчанлик принципи амалда бўлиб, қонуний ҳулосага келиш осонроқ-27,3% |
| с) | жавобга беришга қийналаман-0% |
| 4. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари бўйича низолашиш тўғрисидаги ишларда судларда келишув битими тузиш инситутини жорий этиш муҳим деб ҳисоблайсизми? |
| а) | Ҳа, бу жуда муҳим бўлиб, амалда суд қарорларининг ижро этилиши кўрсаткичини ошириши мумкин-36,4% |
| в) | Йўқ, ҳисобламайман-63,6% |
| с) | жавоб беришга қийналаман-0% |
| 5. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари бўйича низолашиш тўғрисидаги ишларнинг Республикадаги салмоғидан келиб чиқиб, мазкур тоифадаги ишларни тўғри ҳал этиш бўйича Олий суд Пленуми қарори ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблайсизми? |
| а) | Ҳа, бу жуда муҳим, чунки судларда мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳар хил амалиёт мавжуд бўлиб, уларни бирхиллаштириш шарт-90,9% |
| в) | Йўқ, ҳисобламайман, қонуний қарор қабул қилиш учун моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини судлар томонидан тўғри қўллашнинг ўзи етарли-9,1% |
| с) | жавоб беришга қийналаман-0% |
| 6. | Қарорларига прокурор томонидан протест келтирилган, бироқ протестни тегишли тартибда кўриб чиқмаган, шундан сўнг маъмурий суд орқали қарори ҳақиқий эмас деб топилган ҳокимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриш бўйича юқори турувчи органга тақдимнома киритиш лозим деб ҳисоблайсизми? (Изоҳ: юқоридаги ҳолат бир неча бор такрорлангандан кейин тақдимнома киритиш) |
| а) | Ҳа, лозим деб ҳисоблайман, бу қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди-81,8%. |
| в) | Йўқ, судлар томонидан хусусий ажрим чиқарилишининг ўзи етарли-18,2% |
| с) | жавобга беришга қийналаман-0% |
| 7. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари бўйича |

| | |
|------------|--|
| | низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларини ижро этиш ПҚ-6243-сонли қарор билан туман, шаҳар ҳокимларининг ер муносабатлари билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилиш, бекор қилиш, ўзгартириш каби ваколатлари йўқ бўлиши билан имконсиз бўлиб қоляпти деб ҳисоблайсизми? Агар шундай бўлса, сизга бу масала учун қайси ечим маъқул? |
| а) | Ҳа, Президент қароридан келиб чиқиб тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим-15% |
| в) | Ҳа, маъмурий судлар мазкур тоифадаги ишларни формал кўрмасдан, тўлиқ мазмунан ҳал этиши, яъни ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида эмас, бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишлари лозим-70% |
| с) | Йўқ, ижро этиш учун етарли ваколатлар ҳали ҳам мавжуд, фақат улардан белгиланган тартибда фойдаланилмаяпти-15% |
| е) | жавоб беришга қийналаман-0% |
| 8. | Маҳаллий давлат ҳокимияти қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича судгача масалани ҳал этишга бўйича медиация институтини жорий этиш керак деб ҳисоблайсизми? Агар шундай бўлса ким медиатор бўлиб иштирок этиши керак? |
| а) | Ҳа, ҳисоблайман, прокурорда ҳоким қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқи борлигидан келиб чиқиб прокурор ҳокимлик ва фуқаро ўртасида медиатор бўлиши мақсадга мувофиқ-15% |
| в) | Ҳа, ҳисоблайман, бироқ медиатор сифатида амалдаги медиаторларнинг қатнашгани маъқул-19% |
| с) | Йўқ, ҳисобламайман-66% |
| 9. | Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида ноқонуний суд қарорларига нисбатан прокурор қандай ҳужжат орқали муносабат билдиришни лозим деб ҳисоблайсиз? |
| а) | Протест-90,9% |
| в) | Тақдимнома-9,1% |
| 10. | Апелляция протестларини туман прокурорининг ўринбосарлари томонидан имзоланиши ва протест келтириши ҳақида қонунчиликда нормалар акс эттирилиши лозим деб ҳисоблайсизми? |
| а) | Ҳа, чунки, туман прокурори ўринбосарларига судга ариза киритиш ҳуқуқи берилганлиги боис протест келтириш ҳуқуқини ҳам бериш лозим-63,6% |
| в) | Йўқ, туман прокурори ўринбосарининг ҳуқуқий мақомини маъмурий қонунчиликда мустаҳкамлаш шарт эмас-36,4% |
| с) | Жавоб беришга қийналаман-0% |
| 11. | Маҳаллий давлат ҳокимияти қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида иш |

| | |
|------------|---|
| | материаллари юзасидан фикр беришдан олдин қандай тартибда ўрганасиз? |
| а) | Маъмурий ишни бошидан бошлаб ўрганиб, ишни охиригача қатнашиб, фикр билдираман-72,7% |
| в) | Иш ҳажми кўплиги сабабли, ишни ўганмасдан суд музокарасида қатнашиб, фикр билдираман-18,2% |
| с) | Фақатгина назорат иши ҳужжатларини ўрганиб, фикр билдираман-9,1% |
| 12. | Олий суд раиси ва унинг ўринбосарларининг маъмурий ишларни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш зарур деб ҳисоблайсизми? |
| а) | Ҳа, ҳисоблайман, чунки бўйсинув тартибида юқори турувчи раҳбарнинг фикри судлар мустақиллигига таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори, шунингдек мазкур ҳолат манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин-70% |
| в) | Йўқ, бунинг учун эҳтиёж йўқ деб ҳисоблайман, шунингдек бу ҳолат маъмурий ишларни кассация тартибида такроран кўриш учун аризачининг имкониятларини чеклайди-30% |
| с) | Жавоб беришга қийналаман-0% |

Мазкур сўровномада прокуратура органларининг **маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси** тизимидаги прокурорлар ва прокурор ёрдамчилари иштирок этишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 51-сон, 514-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 52-сон, 555-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 36-сон, 452-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон; 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 05.04.2019 й., 03/19/533/2885-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон; 30.09.2020 й., 03/20/639/1342-сон, 24.12.2020 й., 03/20/656/1661-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон) 38-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан

фойдаланувчини огоҳлантиради.

Огоҳлантириш муддати тугаши билан қонунбузилиши ҳолати бартараф қилинмаган ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга муурожаат қилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ЎРҚ- 913-ХП-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 39-сон, 399-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 52-сон, 686-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 35-сон, 914-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 15.09.2020 й., 03/20/636/1276-сон, 24.12.2020 й., 03/20/656/1661-сон, 31.12.2020 й., 03/20/660/1682-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 29.12.2021 й., 03/21/740/1209-сон; 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон) 10-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вилоят ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ерга

эгалит қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли.

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиладилар».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда) 10-моддаси 1-қисми 17-банд билан тўлдирилсин:

«17) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ ишлар юзасидан».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Олий суд ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. Мирзиёев

**“Ўзбекистон Республикасининг Айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни лойиҳасига**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сонли Фармонида мувофиқ ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкӣ ва ҳуқуқӣ муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодӣ қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш билан боғлиқ қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан, туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ваколати тугатилди.

Шу билан бирга, қонун нормалари таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижаларида судга мурожаат қилиш ва маъмурий судлар томонидан ерга оид низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

1. Ер кодексининг 38-моддасига кўра, Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга

даъво аризаси киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган Фармони 10-банди 3-хатбошисига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Шу сабабли, амалиётда турлича ёндашувларни олдини олиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ягоналаштириш мақсадида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган томонидан ерга оид қонунбузилиши аниқланган ҳолатларда тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ваколатини қонун доирасида мустаҳкамлаб қўйиш таклиф қилинмоқда.

2. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, ушбу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини бекор қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган Фармони 4-банди 3-хатбошисига асосан Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Ҳозирги кунда туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилинмаяпти.

Амалиётда юқоридаги қонун ва фармон нормалари ўртасида коллизия вужудга келган бўлиб, бу судлар томонидан ягона суд амалиётини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли, қонун нормаларига мамлакатимизда олиб борилаётган ер соҳасидаги қонунчиликни янада шаффофлаштириш ва рақамлаштириш ҳақидаги ислоҳотларга мос равишда ўзгартириш киритиб, вилоят маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш ваколатларини тугатиш, туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш ва улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ваколатларини тугатиш таклиф қилинмоқда.

3. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод этилган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ташкилотлари рўйхати келтирилган.

Ушбу қонуннинг 8 ва 9-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ фуқаролик ва иқтисодий даъволар бўйича давлат божидан озод қилинганлиги белгиланган.

Ҳозирги кунда амалиётда маъмурий судларда Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари фаолияти билан боғлиқ низолар сони сезиларли даражада ошганлиги туфайли Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органларини ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ маъмурий ишлар юзасидан давлат божидан озод қилиш таклиф

қилинмоқда.

Бўлажак қонуннинг суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш механизмларини кенгайтиришга ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бўлажак қонун амалга ошириш давлат бюджетдан маблағ талаб этмайди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига

ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|--|--|---|
| Ер кодекси | | |
| <p>38-модда. Ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганда ер участкасини олиб қўйиш.</p> <p>Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Ер участкасини берган орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.</p> | <p>38-модда. Ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганда ер участкасини олиб қўйиш.</p> <p>Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини огоҳлантиради.</p> <p>Огоҳлантириш муддати тугаши билан қонунбузилиши ҳолати бартараф қилинмаган ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилади.</p> <p>Ер участкасини берган орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони 10-банди 3-хатбошисига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|--|---|---|
| | текширишни тайинлашга ҳақли. | |
| “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун | | |
| <p>10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиши.</p> <p>Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, ушбу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини бекор қилишга ҳақли.</p> <p>Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиладилар.</p> | <p>10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиши.</p> <p>Вилоят ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли.</p> <p>Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиладилар.</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айланттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони 4-банди 3-хатбошисига асосан Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.</p> |
| “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун | | |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|---|
| <p>10-модда. Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш.</p> <p>Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:</p> <p>....</p> <p>16) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан.</p> | <p>10-модда. Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш.</p> <p>Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:</p> <p>....</p> <p>16) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан;</p> <p>17) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ ишлар юзасидан.</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари давлат манфаатларини кўзлаганлиги туфайли давлат божидан озод қилиш мақсадга мувофиқ.</p> |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

**“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини
юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги**

1-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон; 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон, 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон):

2-модда.

1) 17-модда:

4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

Иш кассация тартибида такроран кўрилаётганида Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари суд мажлисида раислик қилади;

2) 20-модда тўртинчи бандининг «Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция» деган сўзлардан кейин «апелляция инстанция» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3) 27-модданинг биринчи қисми 1-банди

қўйидаги мазмундаги **1¹-банди** билан тўлдирилсин:

Вазирлар Маҳкамасининг ерга оид қарорлари ва баён шаклда ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;»

4) 30-модда биринчи қисмининг 1-банди

қўйидаги мазмундаги **1¹-банди** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг ерга оид қарорлари ва баён шаклда ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;».

5) 164-модда

1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

Қарорни қабул қилган суд ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни қарорнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижрочисининг, қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.

6) 214-модда биринчи банди 6-қисмининг «апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган юридик шахс тугатилган бўлса» деган сўзлардан кейин «ёки ҳуқуқий ворисини аниқлашнинг имкони бўлмаганда;» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7) 276-модда иккинчи банди чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Олий суд ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзгартиришларга асосан Қонунга мувофиқлаштирсин;

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.Мирзиёев

“Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси”да Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2-бўлими 2.1-бандида, суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш назарда тутилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, қонун нормалари таҳлил қилиш ва фуқаролар муурожаатларини ўрганиш натижаларида суд таркибини шакллантиришда ва суд ҳужжатларини қайта кўриш механизмларини такомиллаштиришда барча имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, маъмурий суд қарорларини ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ерга оид низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

1. “Судлар тўғрисида” ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари - судлов ҳайъатларининг раислари Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида

раислик қилиши белгиланган.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва бошқа барча судьялар бир хил мақомга эга. Судьяларга одил судловни амалга оширишга вазифаси юклатилган.

Амалиётда Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари деярли суд процессларида иштирок этмайди.

Шунингдек, ишни кассация тартибида такроран кўриш процессуал тартибга кўра суд инстанциясининг Олий босқичи ҳисобланади.

Шу сабабли, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарларига юклатилган вазифаларни бажаришга, ишни кассация тартибида такроран кўриш институтини янада такомиллаштириш, қарор қабул қилишда судьяларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида иш кассация тартибида такроран кўрилаётганида Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари суд мажлисида раислик қилиши белгиланган норма таклиф қилинмоқда.

2. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслик суднинг мустақиллиги ва беғаразлигилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги процессуал нормаларга кўра, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни қайта апелляция инстанциясида кўришда иштирок этиши мумкин.

Бу эса ўз навбатида тарафларнинг одил судловга бўлган ишончини камайтиради ва МСИЮтКнинг 11-моддасида белгиланган суд холислик ва беғаразликни сақлаши лозимлиги белгиланган принципга путур еткази.

Шу сабабли, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни қайта апелляция инстанциясида кўришда монелик қиладиган норма таклиф қилинмоқда.

3. Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор

тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкый ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу эса ўз навбатида ерга оид низоларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришни ҳам талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 4-қисмига кўра, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 2 - бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Бироқ, амалдаги қонун нормаларида Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқувчи судлар белгиланмаган.

Шу сабабли мазкур низоларни кўришни маъмурий судларга ўтказиш таклиф қилинмоқда.

4. Амалиётда ҳал қилув қарорида ёзувдаги ва арифметик хатоларга йўл қўйиб турилади. Қонунчилик бу хатолар қарорнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тuzатишга йўл қўйади.

Бироқ, амалдаги кодексда биринчи инстанция судининг қароридаги

ёзувдаги ва арифметик хатоларини тuzатишга йўл қўйилган.

Шу сабабли, юқори судларнинг қарорларини ҳам мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тuzатишга йўл қўйадиган норма таклиф этилмоқда.

5. МСИЮтКнинг 214-моддасида, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тартиби белгиланган.

Апелляция шикояти бўйича суд ҳужжати қабул қилгунига қадар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этса, низоли ҳуқуқий муносабат эса ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса иш юритишни тугатиш назарда тутилган.

Бироқ, апелляция шикояти бўйича суд ҳужжати қабул қилгунига қадар ишда тараф бўлган юридик шахс тугатилган бўлса шикоятни тугатиш назарда тутилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, юридик шахснинг тугатилишида унинг ҳуқуқий ворисига мавжуд.

Шу сабабли, апелляция тартибида иш юритишни тугатиш агар ҳуқуқий ворисини аниқлашнинг имкони бўлмаганда тугатиш тартибини белгиловчи норма таклиф қилинмоқда.

6. Амалдаги қонун талабидан келиб чиқиб, бугунги кунда судлар томонидан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини (қарорини) ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги суд қарорлари ижро этиш мазкур давлат органининг ўзига юборилмоқда.

МСИЮтКнинг 276-моддасига асосан, мажбурий ижро органига фақатгина суд қарорининг давлат божини ундириш билан боғлиқ қисми ижро варақаси асосида юборилмоқда.

Ҳокимият органлари томонидан суд қарорларининг ижро этилмаган тақдирда, уни мажбурий ижро этиш механизмлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, айрим суд қарорлари ижроси амалда бажарилмасдан қолмоқда.

Мисол учун, Сирдарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 26.11.2020 йилдаги қарори билан Боёвут туман маъмурий судининг 23.10.2020 йилдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилиб, Боёвут туман ҳокимининг 08.06.2020 йилдаги 424-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги “Сарвар Достон Хамкор” фермер хўжалигининг аризаси рад этилган.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 23.02.2021 йилдаги қарори билан қуйи инстанция судининг қарорлари бекор қилиниб, ҳоким қарори ҳақиқий эмас деб топилган бўлсада, суд қарорининг ижроси таъминланмаган, ҳозирги кунга қадар фермер хўжалигига 31,8 гектар ер майдони 7 ой давомида қайтариб берилмаган.

Ёки, Гиждувон туман ҳокимининг 24.05.2019 йилдаги Гиждувон район совети Ижроия комитетининг 27.02.1990 йилдаги “Коммунизм” колхозига ғишт заводи қуриш учун 2,4 гектар ер ажратиш ҳақидаги 42/3-сонли қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ва ерни захирага олиш ҳақидаги 4744-сонли қарори Олий суд судлов ҳайъатининг 18.02.2020 йилдаги қарори билан, шунингдек туман ҳокимининг 26.07.2019 йилдаги ушбу ер майдонини “Гиждувон деҳқон бозори” АЖ балансига ўтказиш ҳақидаги 9237-сонли қарори Гиждувон туман маъмурий судининг 29.06.2020 йилдаги ҳал қилув қарорлари билан ҳақиқий эмас деб топилган.

Шу билан бирга, туман ҳокимлигига бир ой ичида суд қарори ижросини таъминлаш мажбурияти юклатилган бўлсада, ҳозирга қадар низоли 2,4 гектар ер майдони “Зарангари трансгазстрой” МЧЖга (ҳуқуқий ворис) қайтарилмаган.

Туман ҳокимлиги бу ҳолатга, низоли ер “Гиждувон деҳқон бозори” АЖ балансига ўтказиб бергандан сўнг, 13 нафар тадбиркорлик субъектлари билан “темир металл маҳсулотлари” савдоси бўйича ижара шартномалари тузилганлиги, ушбу тадбиркорлар эски деҳқон бозори ҳудудидан кўчириб

келганлигини ва низо тўлиқ ҳал этилмаганлиги ҳақидаги вазлар билан изоҳ бериб келган.

Амалдаги қонунчиликда эса, маъмурий судлар томонидан ҳоким қарорлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда унинг оқибатларини қўллаш ва қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича аниқ ижро механизми назарда тутилмаганлиги сабабли, юқоридаги каби ҳолатлар келиб чиққан.

Шунингдек, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида ҳам ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари орасида судларнинг ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ қарорларини ижро этиш назарда тутилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу тоифадаги суд ҳужжатларини ижро этиш механизми қонунчиликда белгилаш таклиф этилмоқда.

Бўлажак қонуннинг суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтиришга ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бўлажак қонун амалга ошириш давлат бюджетдан маблағ талаб этмайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси”да Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига

ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|--|
| <p>17-модда. Ишларнинг якка тартибда ва хайъатда кўрилиши.</p> <p>Биринчи инстанция бўйича маъмурий ишлар (бундан буён матнда иш деб юритилади) туманлараро маъмурий судида, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судида судья томонидан якка тартибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судида биринчи инстанция бўйича ишлар уч нафар судьядан иборат таркибда хайъатда кўрилади.</p> <p>Ишни апелляция ва кассация тартибида кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда хайъатда амалга оширилади.</p> <p>Ишни кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда хайъатда амалга оширилади.</p> <p>Иш хайъатда кўрилаётганда судьялардан бири суд мажлисида раислик қилади.</p> <p>Ишни кўришда барча судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.</p> <p>Ушбу Кодексга биноан судьяга ишни якка тартибда кўриш ва айрим масалаларни ҳал</p> | <p>17-модда. Ишларнинг якка тартибда ва хайъатда кўрилиши.</p> <p>Биринчи инстанция бўйича маъмурий ишлар (бундан буён матнда иш деб юритилади) туманлараро маъмурий судида, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судида судья томонидан якка тартибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судида биринчи инстанция бўйича ишлар уч нафар судьядан иборат таркибда хайъатда кўрилади.</p> <p>Ишни апелляция ва кассация тартибида кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда хайъатда амалга оширилади.</p> <p>Ишни кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда хайъатда амалга оширилади.</p> <p>Иш кассация тартибида такроран кўрилаётганида Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари суд мажлисида раислик қилади.</p> <p>Ишни кўришда барча судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.</p> | <p>“Судлар тўғрисида” ги Қонуннинг 31-моддасида Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари - судлов хайъатларининг раислари Олий судининг тегишли судлов хайъатлари мажлисларида раислик қилиши белгиланган.</p> <p>Қонуннинг 58-моддасида, Ўзбекистон Республикасида судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.</p> <p>Судлар раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир.</p> <p>Юқоридаги нормага асосан Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ҳам судья ҳисобланиб, уларга ҳам одил судловни амалга оширишга вазифаси юклатилган.</p> <p>Бу ўзгартириш қонун билан Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарларига юклатилган вазифаларни бажаришга, шу билан бирга, ишларни такроран кассация инстанциясида холисона кўрилишини таъминлашга, ягона суд</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|--|
| <p>килиш ҳуқуқи берилган тақдирда, судья суд номидан иш кўради.</p> | <p>Ушбу Кодексга биноан судьяга ишни якка тартибда кўриш ва айрим масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган тақдирда, судья суд номидан иш кўради.</p> | <p>амалиётини шакллантиришга, қарорлар қабул қилишда судьяларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.</p> |
| <p>20-модда. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги. Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмас, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари мустасно. Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд ушбу Кодекснинг 248¹-моддасига мувофиқ кассация инстанцияси судида такроран кўришда иштирок этиши мумкин эмас.</p> | <p>20-модда. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги. Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмас, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари мустасно. Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд ушбу Кодекснинг 248¹-моддасига мувофиқ кассация инстанцияси судида такроран кўришда</p> | <p>МСИЮТКнинг 20-моддасига кўра, ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмас. МСИЮТКнинг 244-моддаси 3-қисм 1-бандида, суд томонидан ишнинг қонунга ҳилоф таркибда кўрилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлишлиги белгиланган. Шунингдек, судьяларнинг холислиги ва бегаразлигини сақлаш, суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни қайта апелляция инстанция кўришда иштирок этишини тақиқловчи қонун нормасига таклиф берилмоқда. Масалан, фуқаро Ш.Ишанкуловнинг Қарши туман ҳокимининг 16.10.2020 йилдаги НҚ-1603/10-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|-----------------|----------------------------|--|
| | иштирок этиши мумкин эмас. | <p>бўйича аризаси Қарши туман маъмурий судида 24.12.2020 йилдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.</p> <p>Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 18.02.2021 йилдаги қарори билан суд қарори бекор қилиниб, ариза рад қилинган (иш кўришда иштирок этган судьялар Б.Қиличов, Б.Нормуродов).</p> <p>Шу иш Олий суд кассация инстанциясида 01.06.2021 йилда кўриб чиқилиб, апелляция инстанцияси қарори бекор қилиниб, янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.</p> <p>Қарши туманлараро маъмурий судининг 14.07.2021 йилдаги қарори билан ариза яна қаноатлантирилган.</p> <p>Ушбу ариза Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясида 07.09.2021 йилда кўрилиб, ариза рад этилган (иш кўришда иштирок этган судьялар Б.Қиличов, Б.Нормуродов).</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|---|
| <p>27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар</p> <p>Суд:</p> <p>1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш</p> | <p>27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар</p> <p>Суд:</p> <p>1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>1¹) Вазирлар Маҳкамасининг ерга оид қарорлари ва баён шаклда ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги Қонуннинг 36-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинади.</p> <p>Ушбу қонуннинг 37-моддасида, Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.</p> <p>Ер кодексининг 36-моддаси 4-қисмига кўра, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 2 - бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда 1 – қисми 6 – 11 - бандларида бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ушбу Кодекснинг 38 - моддасида</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|--|--|--|
| <p>ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;</p> <p>6) ушбу Кодекснинг 271 - моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;</p> <p>7) ушбу Кодекснинг 272 - моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.</p> <p>Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.</p> | <p>далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;</p> <p>6) ушбу Кодекснинг 271 - моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;</p> <p>7) ушбу Кодекснинг 272 - моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.</p> <p>Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.</p> | <p>белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.</p> <p>Бирок, амалдаги қонун нормаларида бундай Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари устидан қайси судига мурожаат қилиш кўрсатилмаган.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг конституцияси 44-моддасида, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|---|
| | | <p>ҳуқуқи кафолатланади.</p> <p>Шу сабабли, фуқароларнинг конституцияда белгиланган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга, қонун нормасидаги бўшлиқни бартараф этишга, бундай қарорлар бўйича низоларни ҳал этиш механизми яратиш мақсадида, бундай қарорларини низолашиш тўғрисида аризаларни маъмурий судларда тааллуқли ишлар сифатида белгилаш таклиф қилинмоқда.</p> |
| <p>30-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида:</p> <p>1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>2) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонун билан ўз ваколатларига киритилган бошқа ишларни ҳам биринчи инстанция суди сифатида кўради.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни исталган маъмурий суддан олиб қўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувида қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли.</p> | <p>30-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида:</p> <p>1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>1⁴) Вазирлар Маҳкамасининг ерга оид қарорлари ва баён шаклда ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>2) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонун билан ўз ваколатларига киритилган бошқа ишларни ҳам биринчи инстанция суди сифатида кўради.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни исталган</p> | <p>Кодекснинг 27-моддасига берилган таклифга мувофиқлаштирилмоқда.</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|---|
| <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди иш кассация тартибида такроран кўриб чиқиладиганда ҳал қилув қарори, қарор бекор қилиниб, уни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юбориладиганда ишни ўз иш юритувига биринчи инстанция суди сифатида қабул қилишга ҳақли.</p> | <p>маъмурий суддан олиб қўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий суди иш кассация тартибида такроран кўриб чиқиладиганда ҳал қилув қарори, қарор бекор қилиниб, уни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юбориладиганда ишни ўз иш юритувига биринчи инстанция суди сифатида қабул қилишга ҳақли.</p> | |
| <p>164-модда. Ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш.</p> <p>Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижрочисининг, суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.</p> <p>Ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларни, давлат ижрочисини ёки суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларни ушбу Кодекснинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўрилади. Бироқ мазкур</p> | <p>164-модда. Ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш.</p> <p>Қарорни қабул қилган суд ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни қарорнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижрочисининг, қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.</p> <p>Ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларни, давлат ижрочисини ёки суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларни ушбу Кодекснинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўрилади. Бироқ мазкур шахсларнинг келмаганлиги аризани кўришга</p> | <p>МСИЮТКнинг 154-моддасига кўра, суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилади.</p> <p>Амалиётда апелляция ёки кассация инстанцияси судлари қарорини ҳам техник хатоларни тузатишга тўғри келмоқда.</p> <p>Бунинг тартиби ва ҳуқуқий асоси МСИЮТҚда белгиланган.</p> <p>Ушбу қонун нормасига ўзгартириш киритиш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бўшлиқни бартараф этилади.</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|---|---|
| <p>шахсларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.</p> <p>Ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда кўриб чиқилади.</p> <p>Ёзувдаги хатоларни, арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида ёки тузатишни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилади.</p> <p>Ёзувдаги хатоларни, арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ёки тузатишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.</p> | <p>тўсқинлик қилмайди.</p> <p>Ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда кўриб чиқилади.</p> <p>Ёзувдаги хатоларни, арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида ёки тузатишни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилади.</p> <p>Ёзувдаги хатоларни, арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ёки тузатишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.</p> | |
| <p>214-модда. Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш.</p> <p>Апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни қуйидаги ҳолларда тугатади, агар:</p> <p>1) апелляция шикояти (протести) ушбу Кодексга мувофиқ апелляция тартибида шикоят қилинмайдиган ажрим устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса;</p> <p>2) апелляция шикояти (протести) апелляция тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса;</p> | <p>214-модда. Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш.</p> <p>Апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни қуйидаги ҳолларда тугатади, агар:</p> <p>1) апелляция шикояти (протести) ушбу Кодексга мувофиқ апелляция тартибида шикоят қилинмайдиган ажрим устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса;</p> <p>2) апелляция шикояти (протести) апелляция тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса;</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, юридик шахснинг тугатилишида унинг ҳуқуқий ворисига ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтиши мумкинлиги белгиланган.</p> <p>ФКнинг 1035-моддасида, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулк ҳуқуқлар, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс — ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.</p> <p>Агарда юридик шахснинг тугатилганлик фактини судлар асос қилган ҳолда маъмурий ишни</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|--|---|---|
| <p>3) апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;</p> <p>4) апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинганидан сўнг шикоят берган шахс томонидан шикоятдан воз кечиш тўғрисида ариза келиб тушган ва воз кечиш апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинган бўлса;</p> <p>5) апелляция протести иш юритишга қабул қилинганидан сўнг протест келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан протестни чақириб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса;</p> <p>6) апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган юридик шахс тугатилган бўлса;</p> <p>7) апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этса, низоли ҳуқуқий муносабат эса ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.</p> <p>Агар апелляция шикоятида (протестида) шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар арз қилинган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятининг (протестининг) шу талабларга тааллуқли қисми бўйича иш юритишни тугатади.</p> | <p>3) апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;</p> <p>4) апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинганидан сўнг шикоят берган шахс томонидан шикоятдан воз кечиш тўғрисида ариза келиб тушган ва воз кечиш апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинган бўлса;</p> <p>5) апелляция протести иш юритишга қабул қилинганидан сўнг протест келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан протестни чақириб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса;</p> <p>6) апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган юридик шахс тугатилган бўлса ёки ҳуқуқий ворисни аниқлашнинг имкони бўлмаганда;</p> <p>7) апелляция шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этса, низоли ҳуқуқий муносабат эса ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.</p> <p>Агар апелляция шикоятида (протестида) шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар арз қилинган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция</p> | <p>юритишдан тугатган тақдирда, ҳуқуқий вориснинг ҳуқуқларини бузилишга, келгусида айни ушбу масала ҳуқуқий ворис бўлиб ўтган юридик шахснинг манфаатларига зарар етказиши ёки қўшимча бюрократик ва сансалорликка олиб келиши мумкин.</p> <p>Ушбу таклиф қонун нормасидаги бўшлиқни бартаараф этиш учун таклиф қилинмоқда.</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|---|--|--|
| <p>Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга ушбу Кодекснинг 171-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.</p> <p>Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.</p> | <p>шикоятининг (протестининг) шу талабларга тааллуқли қисми бўйича иш юритишни тугатади.</p> <p>Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга ушбу Кодекснинг 171-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади.</p> <p>Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.</p> | |
| <p>276-модда. Суд ҳужжатларини ижрога қаратиш.</p> <p>Суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач ижрога қаратилади, бундан қонунчиликда белгиланган тартибда дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно.</p> <p>Суд ҳужжатининг ижроси ҳал қилув қарори (қарори) асосида, пул маблағларини мажбурий ундириш бўйича суд ҳужжатининг ижроси эса суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.</p> | <p>276-модда. Суд ҳужжатларини ижрога қаратиш.</p> <p>Суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач ижрога қаратилади, бундан қонунчиликда белгиланган тартибда дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно.</p> <p>Суд ҳужжатининг мажбурий ижроси, агар ушбу Кодексида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.</p> | <p>Фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг таҳлили, маъмурий судларнинг тегишли орган ёки мансабдор шахснинг қарорини (ҳатти-ҳаракатини) ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги қарорлари ижроси мансабдор шахслар томонидан ижро этилмасдан келинаётганлиги ҳақидаги мурожаатларнинг кўпайганлигини кўрсатмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 276-моддасида, суд ҳужжатининг ижроси ҳал қилув қарори (қарори) асосида, пул маблағларини мажбурий ундириш бўйича суд ҳужжатининг ижроси эса суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилиши кўрсатилган.</p> <p>Ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, бугунги кунда амалиётда судлар томонидан мансабдор</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|-----------------|--------------------------|---|
| | | <p>шахснинг хатти-ҳаракатини (қарорини) ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги суд қарорлари ижро этиш мазкур давлат органининг ўзига юборилмоқда.</p> <p>Мажбурий ижро органига эса фақатгина суд қарорининг давлат божини ундириш билан боғлиқ қисми ижро варақаси асосида юборилмоқда.</p> <p>МСИЮТҚда суднинг тегишли орган ёки мансабдор шахс зиммасига мажбурият юклаш билан боғлиқ қарорини мажбурий ижрога қаратиш тартиби белгиланмаганлиги, шунингдек, суднинг қарори бажарилиши устидан назорат механизми мавжуд эмаслиги сабабли, фуқаролардан айниқса ҳокимларнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ёки уларнинг зиммасига муайян мажбуриятни (компенсация тўлаш, ер майдони ажратиш ва ҳ.к) юклаш билан боғлиқ суд қарорлари ижро этилмаётганлиги ёки тўлиқ ижро қилинмаётганлиги юзасидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 446-моддаси ва ИПКнинг 334-моддасида эса, барча суд ҳужжатларининг ижроси суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.</p> <p>Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги МСИЮТҚ 276-моддасини ФПК 446-моддаси ва ИПК 334-моддалари билан мувофиқлаштириш</p> |

| Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|-----------------|--------------------------|--|
| | | <p>мақсадга мувофиқ бўлади.</p> <p>Шунингдек, ушбу тўлдириш орқали маъмурий суднинг қарорларини ижро этиш механизмини яратади.</p> |

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш юзасидан
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛ**

| № | Амалдаги таҳрир | Таклиф этилаётган таҳрир | Асослантириш |
|----|---|---|---|
| 1. | 1. Судларнинг эътибори маъмурий суд ишларини юритиш бўйича процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, ишларни кўриб чиқиш сифатини яхшилаш, ҳар бир иш бўйича қонуний ва асослантирилган қарор қабул қилиш зарурлигига қаратилсин. | 1. Судларнинг эътибори маъмурий суд ишларини юритиш бўйича процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, ишларни кўриб чиқиш сифатини яхшилаш, ҳар бир иш бўйича адолатли , қонуний ва асослантирилган қарор қабул қилиш зарурлигига қаратилсин. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли қарорига кўра, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш асосий мақсад қилиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб маъмурий суд қарорларининг қонуний, асослилиги билан биргаликда унинг манфаатдор тарафлар учун адолатли бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, ФПКнинг 249-моддаси учинчи қисмида ҳам суднинг ҳал қилув қарори қонуний, |

| | | | |
|----|--|---|--|
| | | | асослантирилган ва адолатли бўлиши кераклиги мустаҳкамланган. |
| 2. | <p>2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 40-моддасига мувофиқ маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:</p> <p>аризачилар — ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар;</p> <p>жавобгарлар — муайян талаб қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари.</p> <p>Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари, шунингдек маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар тушунилади (МСИЮтК 27-моддаси биринчи қисмининг 2-банди).</p> | <p>2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 40-моддасига мувофиқ маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:</p> <p>аризачилар — ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар;</p> <p>жавобгарлар — муайян талаб қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари.</p> <p>Маъмурий органлар деганда, маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар.</p> | <p>Пленум қароридаги маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар тушунчаси аниқ бўлмай маълум бир тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий фаолият олиб боровчи махсус тузилган комиссияларнинг қарорлари ҳам ҳозирда маъмурий судлар томонидан кўриб ҳал этилмоқда. Шунга кўра, маъмурий орган тушунчасини “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун талаблари доирасида шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.</p> |

| | | |
|--|---|--|
| <p>3. Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, низолар бўйича ишлар, жумладан қуйидаги ишлар тааллуқли:</p> <p>маъмурий органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> | <p>3. Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, низолар бўйича ишлар, жумладан қуйидаги ишлар тааллуқли:</p> <p>маъмурий — органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларн юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> | <p><i>Маъмурий орган тушунчаси кенг тушунча бўлиб ҳар бир маъмурий орган ҳам идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга эмас. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосан давлат бошқарув органлари томонидан қабул қилиниши ҳамда тўлиқ норматив аҳамиятга эга бўлиши Пленум қарорида инobatга олиниси лозим. Шунингдек МСИЮтКнинг 27-моддасида ҳам мазкур тоифадаги ишлар айнан “идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги” ишлар сифатида акс этган.</i></p> <p>Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонуни билан инвестиция низолари бўйича ҳамда рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш маъмурий судлар судловига тегишли эканлиги белгиланди. Шу муносабат билан МСИЮтКга тегишли ўзгартириш киритилган. Бундан келиб чиқиб Пленум қарорига ҳам тегишли ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқдир.</p> <p>Маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса мансабдор шахсининг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш талабини МСИЮтК талаблари доирасидаги юридик терминологияга мувофиқ, “қонунга хилоф деб топиш тўғрисида” деган жумлага ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг</p> |
|--|---|--|

| | | |
|---|---|---|
| <p>нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар.</p> | <p>нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар;</p> | <p>“Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 29.01.2022 йилдаги ПҚ-107-сонли Қарорининг 4-бандига кўра, “бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришни тақиқлаш” белгиланган.</p> <p>Шу муносабат билан мазкур банднинг охириги хатбошисини Пленум қароридан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.</p> |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|--|
| <p>Тўлдирилмоқда</p> <p>Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низолар бўйича ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас.</p> <p>Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси</p> | <p>инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича низолашиш тўғрисидаги;</p> <p>юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловида низолашиш тўғрисидаги ишлар.</p> <p>Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низолар бўйича ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас.</p> <p>Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини</p> | |
|---|---|--|

| | | |
|--|---|--|
| <p>ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.</p> <p>Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим (МСИЮтК 26-моддасининг тўртинчи қисми).</p> <p><i>Тўлдирилмоқда</i></p> | <p>(ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.</p> <p>Чиқарилмоқда</p> <p>Судларнинг эътибори, шикоят аризалар маъмурий судларга берилишидан олдин аризачининг судгача бўлган босқичда ҳуқуқларини амалга оширишни сўраб маъмурий органларга мурожаат қилинганлиги ҳолатига қаратилсин.</p> | |
|--|---|--|

| | | | |
|----|--|--|--|
| | | <p>Бунда маъмурий орган томонидан муайян ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни кўришда, ушбу органлар томонидан ариза (шикоят) да кўрсатилган талабларни рад этилганлиги ҳолати ҳақиқатда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги инobatга олиниши лозим.</p> | |
| 4. | <p>11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари палата аъзоси манфаатларини кўзлаб берган аризага (шикоятга) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик фаолияти субъекти ўртасида тузилган аъзолик тўғрисидаги шартнома илова қилиниши лозим. Мазкур талабга риоя қилинмаганда, ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилади, бу ҳолат ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилади (МСИЮтК 105-моддасининг 2-банди).</p> | <p>11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари палата аъзоси манфаатларини кўзлаб берган аризага (шикоятга) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик фаолияти субъекти ўртасида тузилган аъзолик тўғрисидаги шартнома ҳамда Савдо-саноат палатасига аъзолик тўғрисидаги гувоҳнома илова қилиниши лозим. Мазкур талабга риоя қилинмаганда, ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилади, бу ҳолат ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилади (МСИЮтК 105-моддасининг 2-банди).</p> | <p>Савдо-саноат палатасига аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган бошқа ташкилот, чет эл компанияларининг ваколатхоналари ва Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Бироқ, аъзолик тўғрисида палатага тегишли бадал маблағлари тўлангандан сўнг ҳар йили янгиланадиган Савдо-саноат палатасига аъзолик тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Тадбиркорлар субъекти ҳамда Палата ўртасидаги шартнома мавжуд бўлса-да, ҳар йили янгиланадиган гувоҳноманинг бўлмаслиги судга давлат божисиз мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этишини инobatга олиш лозим.</p> <p>Шунингдек, мазкур амалиёт фуқаролик ишлари бўйича судларда мавжуд бўлиб, агар Савдо-саноат палатасига аъзолик тўғрисидаги гувоҳнома судга тақдим этилмаса ёки гувоҳноманинг муддати ўтган бўлса, судлар аризани иш юритувга қабул қилмасдан</p> |

| | | | |
|----|---|--|---|
| | | | қайтаради. |
| 5. | <p>14. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, маъмурий иш қўзғатилгунга қадар суд далилларни таъминлаш чораларини кўришга (МСИЮтК 89-моддаси), суд топшириқлари беришга (МСИЮтК 90-моддаси) ва дастлабки ҳимоя чораларини қўллашга (МСИЮтК 94-моддаси) ҳақли эмас.</p> <p>Тўлдирилмоқда</p> <p>Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш масаласи судья томонидан якка тартибда ҳал этилади.</p> | <p>Бирок, маъмурий ишни қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқариш билан биргаликда манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг хавфи юқори бўлганда, судларга дастлабки ҳимоя ва далилларни таъминлаш чораларини қўллаш масаласини ҳал этишлари тавсия этилсин.</p> | <p>Мазкур хатбошининг киритилишидан мақсад аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашдан иборат. Чунки дастлабки ҳимоя ва далилларни таъминлаш чораларининг кеч қўлланилиши кейинчалик ҳам суд ҳужжатининг асосли, қонуний ва адолатли бўлишига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда унинг ижросини амалда таъминлашни имконсиз қилиб қўйиши мумкин.</p> |